

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

Кўлёзма ҳукукида

УДК 4/415

Мансурова Дилафруз Абдумухторовна

ҲАВОЛА БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

5А 220102-Лингвистика мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори,
профессор: А.Б.Мамажонов

Фарғона-2013

Мазкур тадқиқот иши Фарғона Давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар:

А.Мамажонов

Филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Р.Шукуров

ҚДПИ доценти, ф.ф. номзоди

М. Абдулаттоев

Филология фанлари номзоди, доцент

Ётақчи илмий муассаса:

Қўқон давлат педагогика
институти

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: “Ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз” эканлиги юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланган. Қўшма гаплар мавзуйига оид муаммолар тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди. Булардан бири ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар масаласидир.

Ишнинг мақсади. Ҳозирги замон тилшунослигида қўшма гап синтаксиси масалаларидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда янги илмий қарашларни илгари суриш мақсади кўзда тутилган.

Диссертация вазифалари.

- қўшма гап, айниқса, эргаш гапли қўшма гап назариясида вужудга келаётган янги хусусиятларни белгилаш, уларга муносабатини билдириш;

- эргаш гапли қўшма гап таркибидаги нисбий олмошларнинг компонентларни ўзаро бириктиришдаги ролини янда кенгроқ тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг нутқ услубларида қўлланиши.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Тадқиқотда Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов ва А.Мамажоновларнинг илм-фан тараққиёти билан боғлиқ қарашларига ҳамда диалектик фалсафанинг кенг тарқалган тадқиқ усулларига таянилди.

Ишда тавсифий, таснифий, контекстуал, компонент таҳлил каби методлардан унумли фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: Нисбий олмошларнинг эргаш гапли қўшма гап компонентларини бириктиришдаги аҳамияти, улар ёрдамида шаклланувчи ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилишини изоҳлаш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи: Тадқиқот натижаларидан филология факультетларида ўзбек тилшунослиги ва услубшунослиги, нутқ маданияти фанларини ўқитишда манба яратишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби: Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари: Ишнинг асосий мазмуни илмий анжуманларда эълон қилинган 4 та тезисда ўз ифодасини топган .

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар услубий хосланиши муаммоси юзасидан ҳам алоҳида илмий тадқиқотлар олиб бориш мумкин, айниқса, оғзаки ва бадий нутқда қўлланувчи ҳавола бўлакли қўшма гаплар янада чуқурроқ илмий изланишларни талаб этади.

Abstract of dissertation for Master's degree

Significance of the study: As our president emphasized “Obviously, developing the Uzbek language scientifically is on the way of national identity and love to of motherland”. It is difficult to say that the issues on the topic compound sentences have been solved. One of the issues is defining relative clauses.

Purpose of the study: Detecting problems of compound sentence syntax in modern linguistics and defining new scientific approaches;

Objectives of the dissertation:

- to define new features in the theory of conditional sentences and attitude towards them;
- to investigate the role of relative pronouns in combining two relative clauses of complex sentence;

The research area: Defining relative clauses and their application in speech

Methods of research: research is on the basis of wide spread research method of dialectal philosophy and the scientific opinions of G'. Abdurakhmonov, M. Askarova, A. Nurmanov, N. Makhmudov and A. Mamajonov in the science development

The novelty value of research findings: the importance of relative pronouns in combining two relative clauses, interpreting form and meaning with relative pronouns in defining relative clauses

Practical significance and application of the research: the results of research are available to teaching Uzbek linguistics and methodology, the art of rhetoric and are also used to develop books in philology faculty.

Structure of the research: dissertation consists of introduction, main body, conclusion and references.

Results of the study: the content of the research has been issued within the four theses in scientific conferences

Concluding remarks: the scientific research can be done on the issue of methodological correspondence of relative clauses, especially the relative clauses applied in oral and literary language requires deep investigation.

Мундарижа

Кириш	8
1-боб. Эргаш гапли қўшма гаплар таснифи	18
1.1. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар.....	25
1.2. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилиши	36
Боб бўйича қисқача хулоса.....	45
2-боб. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларнинг услубий хосланиши	47
2.1. Нутқ услублари ҳақида	49
2.2. Оғзаки ва ёзма нутқда қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.....	57
Боб бўйича қисқача хулоса.....	66
3-боб Ёзма нутқда қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.....	68
3.1. Бадиий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.....	68
3.2. Расмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.....	77
3.3. Илмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар	80
3.4. Публицистик нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар	83
Боб бўйича қисқача хулоса.....	86
Умумий хулоса.....	88
Фойдаланилган адабиётлар.....	90

Кириш.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...фан ижтимоий жараёнларга фаол таъсир этадиган, бизга, яъни амалиёт ходимларига ишимиз мазмуни ва характерини белгилаб берадиган, ўзини-ўзи сошлаб турадиган ва ўзини-ўзи бошқарадиган системага айланиши керак”¹, қолаверса, “фикрлаш тарзимизни мустақиллик рухига мослаштириш, бир ёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш-бугунги Маънавий тикланиш давримизнинг энг муҳим масалаларидан биридир”².

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат маданиятимизнинг ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” деб номланган китобида таъкидлаганларидек, “ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг кўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув кўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда”³. Ушбу рисоладан юртбошимизнинг она тилимизнинг истиқлолгача бўлган даврдаги ҳолати ва мамлакат мустақиллигидан кейинги тараққиёт омиллари хусусидаги қимматли фикрлари ўрин олган. Шунингдек, рисолада тил илми тадқиқотчилари олдига бир қатор масъулиятли вазифалар ҳам юклатилган. Хусусан, “аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т. Ўзбекистон, 2011. 81-б

² Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т. Ўзбекистон, 1997. –б.150-151

³ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият. 2008.86-бет

нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур”лиги, она тилимизни ҳар томонлама мукамал ўрганишимиз, тилимизнинг беқиёс имкониятларини кашф этишга тинимсиз интилишимиз лозимлиги, чунки “ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз” эканлиги юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланган.⁴

Қўшма гап мавзуси кўп йиллардан бери жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг диққатини ўзига жалб этиб келаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Эътироф этиш лозимки, бу мавзу тилшуносликнинг кенг ўрганилган соҳаларидан биридир, лекин ҳалигача бу мавзуга оид муаммолар тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди. Муаммоларнинг асосий сабаби шундаки, қўшма гап фикр ифодаси жиҳатидан синтактик шаклнинг энг юқори ва мураккаб кўринишларидан биридир. Шунинг учун қўшма гап талқинига бағишланган илмий-монографик тадқиқотларда ҳалигача баҳсталаб жумбоқлар талайгина. Жумладан, буларга қўшма гап таркибий қисмларининг номланиши, уларнинг туб структурага муносабати, таркибий қисмлар боғланишини таъминловчи грамматик ва экстралингвистик омилларнинг функционал салмоғини аниқлаш, қўшма гапнинг устпредикатив белгиси, унинг синтактик деривациясига тааллуқли муаммоларни ва, умуман, “қўшма гап” терминининг қўлланилиши билан боғлиқ кўплаб мунозарали масалаларни киритиш мумкин. Бундай муаммолардан бири ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар масаласидир. Қўшма гапларнинг бу турида қисмлардан англашилган мазмун умумга қаратилади.

Ўзбек тилшунослигида гап мазмунининг умумлашуви ва унинг кўпчиликка тааллуқли бўлиши масаласи, асосан, содда гаплар мисолида, ирода И.Расулов томонидан бир составли гаплар доирасида “Шахси

⁴ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият. 2008.87-бет

умумлашган гаплар” номли остида ўрганилган бўлиб⁵, кўшма гаплар талқинида, деярли, унга кам эътибор қаратилган.

Тилшунос олимларимиз фикрларига қараганда, XX асрнинг йигирманчи йилларида тилшунослик фанида асосий мавзулардан бири кўшма гап компонентларининг муносабати ва уларнинг турларини ўрганишдан иборат бўлди. Бу масала тилшунослар ўртасида жуда катта илмий баҳс ва мунозараларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Тилшунос олим Бехзод Турниёзовнинг таъкидлашича, бу мунозаралар рус тилишуноси М.Н.Петерсоннинг “Очерк синтаксиса русского языка” номли асарида кўшма гап ҳақида билдирилган фикрларидан келиб чиққан. Бехзод Турниёзов М.Н.Петерсон кўшма гап таркибий қисмларининг тобе ва тенг боғланиши хусусида тилшунослар томонидан айтилаётган фикрлар ғоят чалқаш ва чуқур илмий асосга эга эмас, деган хулосага келганлигини ва: “Мавжуд критериялар бош гапни тобе гапдан, шунингдек, эргаш боғлинишни тенг боғланишдан фарқлаш учун асос бўлолмайди. Демак, эргаш ва тенг боғланиш тушунчаларида лингвистик маъно йўқ”, - деган фикрни билдирганини айтади. Шунингдек, унинг фикрича, М.Н.Петерсон нафақат компонентлари тенг боғланишли, балки таркибий қисмлари эргаш боғланишли кўшма гап ҳам мавжуд эмас, деган қарашни илгари сурган. У кўшма гапга тааллуқли синтактик тадқиқотларда тенг ва эргаш боғланишлар хусусида эмас, балки сўз бирикмаларининг ўзаро муносабати ҳақида мулоҳаза юритиш лозим деб ҳисоблаганини айтади⁶.

Албатта, бу масала тилшунослар учун мунозалари фикрларни ўртага ташлади ва улар орасида мазкур муаммога нисбатан танқидий мулоҳазалар вужудга келди. Чунки ҳар қандай тилда грамматик тузилиш жиҳатидан ҳам, предикативлик хусусиятларига кўра ҳам тенг ва эргаш боғланишли кўшма гап мавжудлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Фақат уларни, айниқса, эргаш гапли кўшма гапларни, таркибида кенгайган

⁵ Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Тошкент, 1974

⁶ Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар дуризацияси. Самарқанд. 2008 йил. 6-бет

бирикмали гап бўлаклари билан мураккаблашган содда гаплардан фарқлаш масаласи ҳанузгача мунозарали бўлиб қолмоқда. Олиб борилган илмий ишлар натижасида тенг ҳамда эргаш боғланиш тушунчаларининг замирида лингвистик маъно борлиги атрофлича тобе боғланиш асосида шаклланувчи эргаш гапли қўшма гаплардан биринчи галда боғловчи воситалар орқали фарқланишини ва мазкур воситаларнинг қўшма гап структурасидаги синтактик ўринлари ҳам ўзига хослигини алоҳида таъкидланди. Бунда эргаштирувчи боғловчи эргаш гапнинг нафақат ритмик нуктаи назардан, балки унинг органик тузилиши жиҳатидан ҳам ажралмас қисми эканлигини тўғри эслатилди⁷.

Беҳзод Турниёзовнинг келтирилган асари асосан тенг компонентли қўшма гаплар муаммосига бағишланган бўлса-да, унда эргаш гапли қўшма гапларнинг биз ўрганмоқчи бўлган қирраларига хос айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилган. Жумладан, у ўз рисоласида рус тилшунос олими А.М.Пешковскийнинг “Русский синтаксис в научном освещении” номли китоби ҳам катта бир қисми боғланган, боғловчисиз ва эргаш гапли қўшма гаплар таҳлилига бағишланганлигини ва унинг бу асари ўзбек тилшунослигида ҳам синтактик муаммолар талқинига кучли таъсир кўрсатганлигини ўринли таъкидлаб ўтади. Унда олимнинг рус тилшунослигида боғланган ҳамда эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвистик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганлигини айтади.

Мазкур монографияда келтирилишича, эргаш гапли қўшма гаплар юзасидан тадқиқот олиб борган тилшунос олим А.П.Комаров қарашларига кўра эргаш гапли қўшма гап компонентларининг ўзаро муносабати предмет (предметная связь)га асосланади. Бунда мантиқий боғланиш кузатилмайди. Лекин олим предметга асосланган муносабат эргаш гапли қўшма гаплар учун характерли деган хулосага келмаслик кераклигини,

⁷ Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар дуризацияси. Самарқанд. 2008 йил. 7-бет

бунда қатъий чегара йўқлигини ҳам таъкидлайди⁸. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш қийин, чунки эргаш гапли қўшма гапни белгилашда маълум даражада унинг компонентлари орасидаги мантиқий боғланишга ҳам асосланиш зарур бўлади. Зеро, ҳар қандай гап, аввало, бўлақлар ва компонентларнинг мантиқий боғланиши асосида вужудга келади. Буни ўша асарда келтирилган яна бир фикр ҳам исботлайди. Унда айтилишича, франсуз тилшуноси Ж.Антуан тенг боғланиш тушунчасининг мантиқ билан алоқадор эмаслигини, эргаш боғланишнинг эса мантиқ нуқтаи назаридан изоҳланиши мумкин, деган хулосага келганлигини айтади⁹. Кўриниб турибдики, Ж.Антуаннинг фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек мантиқий боғланиш қўшма гапнинг барча турлари учун хос хусусият.

Қўшма гап назарияси ўзбек тилшунослигида ҳам кенг тадқиқ этилган. Бизнинг тадқиқот мавзуимиз эргаш гапли қўшма гап таркибида қўлланувчи нисбий сўзларга оид бўлгани учун қуйида ўзбек олимларининг айнан шу йўналишда олиб борган тадқиқотлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Нисбий сўзларнинг эргашган қўшма гап компонентларини бириктиришдаги роли “Ўзбек тили грамматикаси”да алоҳида ёритиб ўтилган. Унда нисбий сўзлар (олмошлар)нинг ўзига хос хусусиятлари, улар қатнашган эргаш гапли қўшма гапларнинг структураси, нисбий сўзларнинг характери ва синтактик вазифалари, улар билан қўшма гапнинг кейинги компонентида келувчи кўрсатиш олмошларининг мослашиш ёки мослашмаслиги, нисбий сўзлар ифодаладиган тушунчалар каби масалалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. шунингдек, мазкур грамматикада шаклига кўра нисбий сўзга яқин бўлса-да, нисбий сўз саналмайдиган бирликлар (улар “изоҳланувчи сўзлар” деб номланган) ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилган. Жумладан, “шу” олмоши эга, кесим,

⁸ Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар дуризацияси. Самарқанд. 2008 йил. 13-14-бетлар

⁹ Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар дуризацияси. Самарқанд. 2008 йил. 13-14-бетлар

тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапларнинг бош гапи таркибида шу бўлақлар вазифасида келиши ва эргаш гап томонидан изоҳланиши айтиб ўтилган¹⁰.

Бу борада кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган олимларимиздан бири академик Ғанижон Абдурахмоновдир. Олимнинг “Қўшма гап” (1957), “Қўшма гап синтаксиси асослари” (1958), “Қўшма гап синтаксиси” (1964), “Ўзбек адабий тилининг қўшма гап синтаксиси асослари” (1960), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (ҳамкорликда 1979) каби қатор илмий асарларида қўшма гап билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилган. Унинг қўшма гап синтаксиси муаммолари бўйича яратган фундаментал тадқиқотлари таҳсинга лойиқдир. Олим илмий изланишларида қўшма гапларни боғлочисиз қўшма гаплар, боғланган қўшма гаплар ва эргаш гапли қўшма гаплар каби турларга ажратади ҳамда уларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан мукамал ёритиб беради. Бугунги кунда ҳам тилшунослигимизда қўшма гапни турларга ажратишда шу тамоил асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мавзунинг ўрганилиши.

Эргаш гапли қўшма гаплар ва улардаги эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар тилшунос олима Мазлума Асқарованинг илмий кузатишларида асосий масалалардан бири сифатида кўзга ташланади. Олиманинг “Сабаб ва мақсад эргаш гапли қўшма гаплар” (1957), “Аниқловчи эргаш гап” (1959), “Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар” (1960), “Айрим эргаштирувчи боғловчиларнинг қўлланилиши ҳақида” (1962), “Эргаш гапларнинг синтактик синонимияси масаласи” (1963), “Нисбий сўзларнинг эргашган қўшма гап компонентларини бириктиришдаги роли”, “Ҳозирги ўзбек тилида эргашини формалари” (1964) каби қатор тадқиқотлари эргаш гапли қўшма гаплар масаласига бағишланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

¹⁰ Ўзбек тили грамматикаси. ИИ том. Тошкент. „Фан“ нашриёти. 1976 йил. 410-415-бетлар.

Олиманинг бевосита нисбий олмошлар билан ҳосил қилинадиган эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзига бағишланган ишларида, кўпроқ шу масала билан боғлиқ муайян муаммолар тадқиқ этилади. Чунончи, унинг эргаш гап “Нисбий сўзларнинг эргашган қўшма гап компонентларини бириктиришдаги роли” мавзусидаги ишида бу масала атрофлича ёритилган бўлиб, олиманинг бу йўналишдаги илмий-назарий хулосалари “Ўзбек тили грамматикаси” ва “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Синтаксис) каби дарсликлардан жой олган. Кўриниб турибдики, Мазлума Асқарова эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги нисбий сўзлар масаласига анча кенг тўхталиб ўтган.

Заҳматкаш олим Акбарали Матғозиевнинг илмий изланишларида ҳам эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги компонентларнинг ўзаро бирикиши масаласига тўхталиб ўтилган. Олимнинг “Ўзбек тилидаги баъзи эргаштирувчи боғловчиларнинг тарихига доир”, “Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг пайдо бўлиш йўллари ҳақида” (1966) каби мақолалари шулар жумласидандир.

Ўзбек тилшунослигида алоҳида нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинган қўшма гаплар тадқиқотида бағишланган махсус ишлар бўлмасда, таркибида шу масалага оид айрим фикр-мулоҳазалар бериб кетилган илмий-тадқиқот ишлари ҳам мавжуд. Абдували Бердиалиевнинг “Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сифнификатив парадигматика” номли илмий рисоласи ана шундай тадқиқотлар сирасига киради. Мазкур монографияда эргаш гапларнинг бир қатор турлари орасида биз тадқиқ этаётган мавзуга оид фикрлар ҳам берилган. Жумладан, олим рисолаининг “Синтактик ўхшаш конструкцияли гаплар” бобида эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим турлари орасида структура (тузилиш, шакл) ўхшашлиги ва тенглиги ходисаси учраб туриши ва бундай ҳолларда эргаш ва бош гапларнинг позицион (тартиб) ўзгариши гапнинг

синтактик табиатига ҳам, сигнификатив материалига ҳам путур етказмаслиги хусусида маълумот бериб ўтади¹¹.

Қўшма гаплар синтаксисини тадқиқ этган ўзбек олимларидан яна бири Низомжон Маҳмудовдир. Унинг “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (ҳамкорликда 1992), “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис” (ҳамкорликда 1995) каби асарларида қўшма гапга, шу жумладан, эргаш гапли қўшма гапларга оид муаммолар анча кенг ўрганилган.

Олимнинг асарларида биз ўрганаётган муаммо асосан ҳавола бўлакли гапларга бағишланган тадқиқотлари доирасида берилган. Н.Маҳмудов ҳавола бўлакли гаплар тарзида талқин этган эргаш гапли қўшма гап қаторида нисбий олмош билан ҳосил бўлган эргаш гапли қўшма гаплар ҳам мавжуд.

Профессор Низомиддин Маҳмудовнинг “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (ҳамкорликда 1992), “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис” (ҳамкорликда 1995) каби асарлари қўшма гап синтаксисига оид бўлиб, унда олимнинг эргаш гапли қўшма гаплар таркибида ишлатилувчи нисбий олмошлар ҳақида ҳам бир қатор фикр-мулоҳазалар берилган. Бу ўринда ҳам улар ҳавола бўлак сифатида ажратилган ва талқин этилган.

Алижон Мамажонов ўзининг “Қўшма гап услубистикаси” (Тошкент 1991) монографиясида эргаш гапли қўшма гаплар орасида полисемия ҳақида фикр юритар экан, нисбий олмошлар билан ҳосил қилинадиган эргаш гапли қўшма гапларга ҳам тўхталиб ўтади. Олим ўзининг илмий тадқиқотларида нисбий олмош (нисбий сўз) қўлланган эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил аспектлардаги ҳолатига эътибор қаратади. Уларнинг нутқ услублари бўйича хосланиши, содда гаплар билан ўзаро синонимик муносабатга киришуви, нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма

¹¹ Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сифнификатиб пардигматика. Тошкент. „Фан“ нашриёти. 1989 йил. 92-96-бетлар

гапларнинг полисемантик характери ҳақидаги фикр-мулоҳазалари шулар жумласидандир.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, тилшуносликда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар масаласи ҳалигача тўлиқ тадқиқ этилган эмас. Олиб борилган тадқиқотларда ҳам мунозарали ўринлар бор. Бу тадқиқотимизнинг мавзуси анча долзарблигини белгилаб берувчи асосий омиллардандир. Биз мазкур тадқиқотимизда қўшма гапнинг алоҳида олинган турларидан бири – эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида фикр юритишни мақсад қилиб олганмиз. Чунки тадқиқот мавзуси тобе компонентли мураккаб синтактик курилмаларнинг таркибида боғловчи воситасида ишлатиладиган нисбий олмошларнинг функцияси ва семантик характери билан боғлиқ. Мавзунинг долзарблиги ҳам ана шунда.

Тадқиқотнинг мақсад – вазифалари

Мазкур ишимиздамизда ҳозирги кунда ўзбек адабий тили грамматикаси, айниқса, қўшма гап синтаксиси масалаларида вужудга келган муаммолар, янги қарашларни ўрганиш орқали ўзбек адабий тили тараққиётининг муҳим тамойилларини аниқлаш ҳамда истиқболли йўналишларига доир янги илмий қарашларни илгари суриш мақсади кўзда тутилган. Мазкур ишнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ўзбек адабий тилидаги қўшма гап синтаксисига, жумладан нисбий олмошлар билан ҳосил қилинадиган эргаш гапли қўшма гапларга доир кузатишларни янги илмий қарашлар билан бойитиш;

- қўшма гап, айниқса, эргаш гапли қўшма гап назариясида вужудга келаётган янги хусусиятларни белгилаш, уларга ўз муносабатларини билдириш;

- ўзбек адабий тилида эргаш гапли қўшма гап синтаксисининг шаклланиши ва тараққиётини ўрганиш орқали олимларимизнинг ўзбек тилшунослиги ривожига хизматларини илмий асослаш;

- эргаш гапли қўшма гап таркибидаги нисбий олмошларнинг компонентларни ўзаро бириктиришдаги ролини янда кенгрок тадқиқ этиш оқали мазкур муаммонинг янги қирраларини кашф этиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари

Ушбу ишда тилшуносликда қўлланиладиган эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳавола бўлак ёрдамида боғланиши ва уларнинг нутқ услубларида қўлланиши ўрганилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили

Мавзуни ўрганишда ўзбек тилшунос олимларининг қўшма гап ва унинг турларига бағишланган асарлари асос қилиб олинди. Жумладан: Абдурахмонов Ғ. “Қўшма гап синтаксиси”, Абдурахмонов Ғ. “Боғловчисиз қўшма гаплар структураси”, Мамажонов А. “Қўшма гап услубистикаси”, Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси”, Маҳмудов Н.Нурмонов А. “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси.”, Нурмонов А., Маҳмудов Н. “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” ва бошқалар.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи

Тадқиқотда Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов ва А.Мамажоновларнинг илм-фан тараққиёти билан боғлиқ қарашларига ҳамда диалектик фалсафанинг кенг тарқалган тадқиқ усулларига таянилди.

Ишда тавсифий, таснифий, контекстуал, компонент таҳлил каби методлардан унумли фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

Барча фанлар каби тилшунослик ҳам бир жойда қотиб қолмайди, ҳамиша янгиланиб, ривожланиб боради. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги янги тараққиёт босқичига қадам қўйди.Бир қатор масалалар қатори қўшма гаплар синтаксисида ҳам илмий жиҳатдан асосланган янгича қарашлар шаклланди. Синтактик бирликларни содда ва қўшма гап турларига ажратишда ҳам изоҳталаб муаммолар пайдо бўлди. Шулар

орасидага эргаш гапли кўшма гап компонентларини ўзаро боғловчи воситаларни ҳам киритиш мумкин. Нисбий олмошларнинг эргаш гапли кўшма гап компонентларининг бириктиришдаги ахамияти, қайси ҳолларда уларни нисбий олмошлар деб санаш мумкинлигини, нисбий олмош катнашган эргаш гапли кўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилиши, бундай олмошлар катнашган кўшма гап эргаш гапларининг кесими қайси шаклда бўлиши мунозарали масалалардан ҳисобланади. Асосий омиллардан бири бўлиб, уни илмий жиҳатдан янгича қарашлар ва хулосалар билан бойитиш имконини беради.

Иш таркибининг қисқача тавсифи.

Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 82 саҳифани ташкил этади.

Диссертациянинг апробацияси ва чоп этилиши

Диссертация мавзуси Фарғона давлат университети илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Ишнинг асосий мазмуни ФарДУ, НамДУ, ҚДПИда ўтказиладиган анъанавий илмий анжуманларда эълон қилинган 4 та тезисда ва авторефератда ўз ифодасини топган.

1-БОБ

Эргаш гапли қўшма гаплар таснифи

Маълумки, эргаш гапли қўшма гаплар ўзаро тенг бўлмаган компонентли қўшма гаплар сирасига киритилади. Бундай гапларда бош гап мазмунан ва тузилишига кўра нисбатан мустақил ҳисобланиб, эргаш гап унинг бирор бўлагини ёки бутунича изоҳлайди. Масалан: Истаймизки, кувноқ кулгунинг Жарангига кўмилсин олам (Э.В.). Камтарин бўл, хатто бир қадам ўтма ғурур остонасидан, Пиёлани инсон шунинг-чун ўпар доим пешонасидан (Э.В.). Биринчи гапда эргаш гап бош гапда ифодаланмай қолган тўлдирувчи (*шуни*) изоҳлаётган бўлса, иккинчи гапда эргаш гап бош гапдан англашилган сабабни изоҳлаяпти. Лекин шуни унутмаслик керакки, бош гапнинг мустақиллиги нисбий тушунчадир. Чунки у мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, бош гап мазмунан ва тузилишига кўра мустақил ҳисобланса, унга эргаш гапнинг кераги бўлмай қолади. Эргаш гапнинг функцияси эса бош гапни мазмунан тўлдириш, изоҳлаш бўлиб, унинг киритилиши қўшма гапнинг тузилишига кўра мукамал синтактик бирликка айланишини таъминлайди.

Анъанавий тилшуносликда эргаш гапли қўшма гапларни таснифлашда эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар, унинг бош гапга нисбатан қандай вазифани бажарганлиги ва эргаш гап ҳамда бош гапнинг ўзаро муносабатига ва тузилиш хусусиятларига ҳисобга олинади. Масалан, эргаш гап функциясига кўра гапнинг бирор бўлагига яқин бўлса, бош гапдаги ўша бўлакни изоҳлайди: *Шуни унутмаслик керакки, ишончсизлик инсонни турли қийноқларга дучор қилади*. Бу қўшма гапда эргаш гап (*ишончсизлик инсонни турли қийноқларга дучор қилади*) бош гапдаги тўлдирувчини (*Шуни*) изоҳлаган. Шунга кўра эргаш гаплар эга эргаш гап, кесим эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, аниқловчи эргаш гап каби турларга бўлинади. Агар эргаш гап функцияцига кўра бирор гап бўлагига мос келмаса, бош гапни бутунича изоҳлайди: *Агар болалар рози бўлишса, эрталаб йўлга чиқамиз*. Бу қўшма гапда эргаш гап (*Агар болалар*

рози бўлишса) бош гапни унда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиш шартига кўра изоҳляпти. Шунга кўра бундай типдаги эргаш гаплар равиш эргаш гап, чоғиштириш-ўхшатиш эргаш гап, пайт эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, натижа эргаш гап каби турларга бўлинади. Тилшунос олимлар Н.Маҳмудов ва А.Нурмонов ҳам ўзларининг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” дарслигида эргаш гапли кўшма гаплар таснифи ҳақида шундай фикр билдирадилар:

“Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар (бошқа кўпгина тилшуносликлардаги каби) мазмуний-шаклий жиҳатдан 14 турга ажратилади: 1) эга; 2) кесим; 3) тўлдирувчи; 4) аниқловчи; 5) равиш; 6) ўлчов-даража; 7) чоғиштириш-ўхшатиш; 8) сабаб; 9) мақсад; 10) пайт; 11) ўрин; 12) шарт; 13) тўсиқсиз; 14) натижа эргаш гаплар.

Бундай таснифга кўра биз ҳам ана шундай ажратишга ишнинг кейинги қисмларида амал қилсак-да, айтиш керакки, айтиш таснифда бош гап хусусиятлари у қадар аниқ акс этган эмас. Бу тасниф айтилгандай, эргаш гапларнинг таснифи, эргаш гапли кўшма гапларники эмас”¹²

Мазкур таснифдан кўриниб турибдики, олимлар эргаш гап тушунчаси билан эргаш гапли кўшма гап тушунчасини алоҳида ажратиб олиб таснифлаш тарафдоридирлар. Шунга кўра улар ўз таснифларида бош гапга ҳам алоҳида эътибор қаратадилар ва уларни ҳавола бўлакли ва ҳавола бўлаксиз бош гаплар турига ажратиб таснифлайдилар¹³.

А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаевалар ўзларининг “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” асарида эргаш гапли кўшма гапларнинг таснифига алоҳида тўхталиб, бир қатор халқлар, жумладан ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган қарашларни умумлаштириб шундай хулосага келадилар:

¹² Маҳмудов Н.Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. „Ўқитувчи“ нашриёти. 1995 йил. 172-бет

¹³ Маҳмудов Н.Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. „Ўқитувчи“ нашриёти. 1995 йил. 172-бет

“Айтилган мулоҳазалардан шу нарса келиб чиқадики, эргаш гапли кўшма гапларни ўрганишда барибир содда гаплардаги бўлақларнинг вазифаларидан андоза олган маъқул. Чунки яхлит позицион структура (синтактик ўринлар тизими) сифатида эргаш гапли кўшма гапларда гапнинг грамматик синчи (каркаси), асосини бевосита бош гап ташкил қилади. Эргаш гап у ёки бу тарзда ана шу бош гап таркибига муаян бир бўлақ сифатида киради. “Бош гап таркибидаги муаян бўлақни изоҳлайдиган эргаш гаплар” деб ажратилганда ҳам шу нарса назарда тутилади”¹⁴

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда эргаш гапли кўшма гапларнинг таснифида анчагина баҳсталаб муаммолар ҳам вужудга келиб қолди. Бу муаммолар асосан эргаш гапларнинг кесими билан боғлиқ бўлиб, уларга нисбатан янгича қарашларда шу пайтгача эргаш гап сифатида қараб келинган синтактик бирликларнинг бир қанча турлари кенгайтирилган гап бўлақлари сифатида талқин этила бошланди. Жумладан, Ҳуринисо Усмонованинг “Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицион тадқиқи” рисоласида шундай қарашлар мавжуд. Олима сифатдош оборотларнинг маълум пропозиция ифодалашини назарда тутган ҳолда Низомжон кўзини очганда, айвонда ҳеч ким йўқ эди (С.А.) гапидаги Низомжон кўзини очганда синтактик қурилмасини ҳол позициясида келган сифатдош санайди. У “бундай қурилмалар гап учун хос бўлган энг муҳим белги – предикативлик белгисини йўқотиб, гап таркибида унинг бир бўлағи сифатида функциялашини ҳисобга олсак, уларнинг гаплик хусусиятига эга эмаслиги аниқланади” деган хулосага келади¹⁵.

Ана шундай қарашларга кўра кейинги йилларда эргаш гапли кўшма гаплар таснифига айрим ўзгаришлар киритилди. Биринчидан, уларнинг компонентларини бириктирувчи воситалар қуйидаги турларга ажратилди:

¹⁴ Нурмонов А., Махмудов Н., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент 1992 йил. 240-бет

¹⁵ Усмонова Ҳуринисо. Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позитсион тадқиқи. Тошкент 2005-йил. 51-бет.

эргаштирувчи боғловчилар, кўмакчили қурилмалар, юкламалар, нисбий сўзлар, *деб* сўзи ва бошқалар, феълнинг шарт майли қўшимчаси. Кўриниб турибдики, бунда илгариги анъанага мувофиқ феълнинг сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи шакллари билан боғланиш назарда тутилмаяпти.

Эргаш гапли қўшма гаплар таснифига оид бундай қарашлар А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовларнинг илмий ишларида ҳам учрайди¹⁶. Уларнинг таъкидлашича, “равишдош, сифатдош, ҳаракат номли оборотлар деб юритилувчи қурилмалар бир бутун ҳолда асосий предикатнинг аргументи позициясида – қўшилма предикат вазифасида келади. Кўп предикатли содда гапларга аргумент позициясида келувчи предикативлик белгисига эга бўлмаган предикатлар маълум пропозицияни ифодаласа ҳам, аммо гап бўлиб шакллана олмайди... Масалан: Асрларнинг қайғусин қарғаб, шодлик ва бахт куйини чалдим. Бу ерда икки пропозиция мавжуд бўлиб, иккинчи пропозиция (шодлик ва бахт куйини чалдим) пропозициянинг асосий ифодаланишидир. Шунинг учун ҳам у гапнинг тузилиш асосини ташкил қилади. Биринчи пропозиция (асрларнинг қайғусини қарғади) иккиламчи усул билан ифодаланган. Шунинг учун ҳам у мустақил гап шаклига эга эмас”¹⁷. А.Мараимовнинг қарашларига кўра ҳам феълларнинг сифатдош, равишдош, ҳаракат номи каби функционал бирикмали шакллари, яъни оборотларни гапга нисбат бериб ўрганиш нотўғри. Чунки оборотли конструкцияларда предикативлик мавжуддек туюлса ҳам, улар эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш компоненти эмас, кенгайтирилган гап бўлаклари вазифасида кела олади¹⁸. Демак, ҳозирги кунда сифатдош, равишдош ҳаракат номи ёрдамида бирикиш орқали тузилган эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш компоненти ўзида тўлиқ предикативликни ифода эта олмагани ҳисобга олинган ҳолда кенгайтирилган гап бўлаги сифатида талқин этилмоқда.

¹⁶ Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Жиззах 2007 йил. 50-бет

¹⁷ Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Жиззах 2007 йил. 50-бет

¹⁸ Мараимов А. Синтаксисга кириш. Синтаксиснинг бошқа бўлимлар билан муносабати. Синтаксис бўлимлари. Тошкент. Маърузалар матни.

Иккинчидан, эргаш гапларнинг турларига ҳам бирмунча ўзгартиришлар киритилди. Юқорида таъкидлаб белгилаш ва номлаш катъийлашди. Улар эга эргаш гап, кесим эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, аниқловчи эргаш гап ва ҳол эргаш гап каби турларга бўлиниб ўрганила бошланди. Умумий ўрта таълим мактабларининг амалдаги дарсликларидан эргаш гапли кўшма гапларнинг ана шу таснифини ўргатиш назарда тутилган¹⁹. Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари дарсликларидан ҳам эргаш гапли кўшма гапларнинг ана шу таснифига таянилган²⁰. Тўғри бунда ҳол эргаш гапларнинг айрим турлари ажратилган. Масалан 9-синф учун амалдаги “Она тили” дарслигида ҳол эргаш гапли кўшма гапларнинг куйидаги таърифи берилган:

“Бош гап таркибида ҳол вазифасида қўлланган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келувчи ёки бош гап орқали ифодаланган мазмуннинг сабаби, мақсади, шарти, пайти, ҳолати, миқдор-даражаси кабиларни билдирган эргаш гапларга ҳол эргаш гап дейилади.

Ҳол эргаш гаплар бош гапга нисбий сўзлар, шарт майли шакллари, сабаб, мақсад, шарт боғловчилари, деб сўз ёрдамида боғланади.

Ҳол эргаш гаплар ҳолнинг маъно турларига мувофиқ ўз ичида пайт, ўрин, сабаб, мақсад, шарт, миқдор-даража эргаш гаплар сингари бир неча турларга бўлинади²¹. Олимларнинг бу таърифдаги айрим фикрлари “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” ва “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси”даги қарашларига унча мос келмайди. Уларда олимлар бош гапни бутунча изоҳлайдиган эргаш гап тушунчаси “мантиқий тўғри эмас” деган хулосага келишади ва “бундай гаплар ҳам бош гапдаги муайян бир бўлак ҳол вазифасида” келишини таъкидлайдилар. Улар “ҳар қандай гап бўлаги (аниқловчи бундан истисно) функционал жиҳатдан фақат кесимга алоқадор бўлади. кенг маънода ҳол синтактик ўрнини эгаллаган

¹⁹ Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А, 9-синф учун дарслик. Тошкент “Тасвир” нашриёт уйи. 2006-йил. 33-61-бетлар

²⁰ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литсейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил. 160-172-бетлар

²¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А, 9-синф учун дарслик. Тошкент “Тасвир” нашриёт уйи. 2006-йил. 54-бет

предикатив бирлик, яъни демак, эргаш гап ҳам яхлит бош гапга эмас, балки унинг конструктив бўлаги – кесимга алоқадор бўлади. Масалан, *Баҳор келгач, ҳамма ерда гуллар очилади* гапидаги эргаш гап (*Баҳор келгач*) бош гапнинг кесими *очилмоқ* феълнинг маъноси ва валентлигига кўра мавжуд бўлган ва пайт ифодаси билан берилиши лозим бўлган синтактик ўринни беркитади, яъни бош гапдаги ҳол вазифасидаги предикатив бўлак сифатида бевосита кесимга боғланади”²² Аммо юқорида академик лицейлар дарслигидан келтирилган таърифда “бош гап орқали ифодаланган мазмуннинг сабаби, мақсади, шарти, пайти, ҳолати, миқдор-даражаси кабиларни билдирган эргаш гаплар” ибораси мазмунан “бош гапни тўлиғича изоҳлади” тушунчасини англатади. Ўқувчиларнинг мактаб ва академик лицейларда мазкур масала бўйича бошланғич билим олишларини ҳисобга олган ҳолда бу таърифга зарур ўзгартиришлар киритиш керак бўлади, акс ҳолда ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам “бош гапни тўлиғича изоҳлайдиган эргаш гап” муаммосидан қутула олмайдилар. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, эргаш гаплар ёки эргаш гапли қўшма гаплар таснифи масаласи ҳали ҳам узил-кесил ҳал этилган эмас. Бу борада ҳам муайян хулосаларга таяниб, таснифдаги ҳар хиллик ва камчиликларни бартараф этиш зарур.

Бизнинг ишимиз мавзуси нисбий олмош ёрдамида шаклланган ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларга тааллуқли бўлгани учун, эргаш гапли қўшма гаплар таснифига кўп тўхталиб ўтишни лозим топмадик ва юқоридаги назарий маълумотлар билан чекланишга қарор қилдик. Чунки эргаш гапли қўшма гаплар таснифида (А.Нурмонов ва бошқаларнинг “ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар” ҳақидаги фикрларидан ташқари) бу борада алоҳида фикр билдириб ўтилган эмас. Илмий манбаларда нисбий сўзлар эргаш гапнинг алоҳида бир турини шакллантирувчи восита сифатида эмас, эргаш гапни бош гапга

²² Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент. 1992-йил. 240-бет. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1995 йил. 170-171-бетлар.

бириктирувчи воситалардан бири сифатида эътироф этилган ва тадқиқ қилинган. Лекин кейинги тадқиқотлар шуни кўрасатяптики, эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги нисбий сўзларнинг вазифаси фақат улар компонентини бириктириб қўйишдан иборат бўлмай, уларнинг структурасига ҳам, мазмунига ҳам бир қатор таъсир ўтказа оладиган синтактик воситалардан биридир.

1.1. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар.

Ҳавола бўлакли қўшма гаплар нисбий олмош (айрим манбаларда нисбий сўз деб берилган) ёрдамида шаклланган бўлиб эргаш гапли қўшма гаплар ҳақидаги назарий маълумотлар ҳам жуда кўп тадқиқотларда учрайди²³. Бизнингча ҳам унга нисбатан нисбий сўз атамасини қўллаган маъқул, чунки уларнинг ҳаммаси ҳам олмош эмас, айримлари: *шу ер, шу даражада* каби равиш сўз туркумига мансуб деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқдир. Бизнинг назаримизда уларнинг келиб чиқиши олмош билан боғлиқлиги ва нисбий тушунча англатиши олмош деб аталишига сабаб бўлган.

Юқорида айтганимиздек, бу синтактик ҳодиса кенг ўрганилган бўлиб, унга доир назарий маълумотларда нисбий сўзларнинг асосан *ким-у, қайси бири-у (ўша), ҳар ким – у, нима-у (ўша), қанча-шунча, нечта-шунча, қандай-шундай, нечоғлик - шу даражада, қаер – шу ер* каби жуфтликлари ажратиб кўрсатилади ва асосан қўшма гап компонентларини бириктирувчи восита сифатида эътироф этилади. Жуфтлик тарзида берилиши эса уларнинг эргаш гапли қўшма гапнинг ҳар иккала компонентда қўлланилиши билан боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда айрим манбаларда фақат бош гап таркибида қўлланадиган ва эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи вазибаларида келадиган кўрсатиш олмошлари нисбий сўз сифатида ажратилмаган²⁴. Масалан, *Мақсадимиз шуки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси тўқ-фаровон яшасин*. Мазкур гапдаги *шуки* бош гапнинг кесими сифатида келган бўлиб, у эргаш гап томонидан изоҳланмоқда. Бундай гапларнинг эргаш компонентда нисбий сўз қўлланиши мумкин эмас. Нисбий сўз ёрдамида шаклланган эргаш гапли

²³ Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. ИИ том. Тошкент. „Фан“ нашриоти. 1976 йил. Ғуломов А., Асқарова М. “Ҳозирги замон ўзбек тили” Тошкент. ЎзССР “Ўрта ва олий мактаб” давлат нашриёти. 1961 йил. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. 1990. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1995 йил. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Жиззах. 2007 йил. Мараимов А. Синтаксисга кириш. Синтаксиснинг бошқа бўлимлар билан муносабати. Синтаксис бўлимлари. Тошкент. Маърузалар матни. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А. 9-синф учун дарслик. Тошкент. “Тасвир” нашриёт уйи. 2006-йил. Нурмонов А., Маҳмудов., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литсейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил.

²⁴ Ўзбек тили грамматикаси. ИИ том. Тошкент. „Фан“ нашриоти. 1976 йил. 410-415-бетлар

кўшма гаплар таркибида эса иккинчи компонентда ҳам нисбий сўз мавжуд бўлади, борди-ю, у туширилган бўлса-да, мазмунан англашилиб туради. Масалан: *Кимнинг юраги пок бўлса, мақсади эзгу бўлади*. Мазкур кўшма гапнинг бош гапдаги *унинг* нисбий сўзи тушириб қолдирилган, аммо уни мазмунан англаш ва тиклаш мумкин. Бу борада айрим илмий манбаларда бошқача маълумотларга ҳам дуч келиш мумкин. “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” ва “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” рисолаларида нисбий олмошлар қатнашган эргаш гапли кўшма гаплар ҳавола бўлакли кўшма гап сифатида талқин этилган. Уларда ҳавола бўлак дейилганда, умумий тилшуносликдаги “дейкисис белгилар” назарда тутилиши таъкидланган ва бунинг сабаби шундай изоҳланган: “Дейкисис белгиларнинг моҳияти шундан иборатки, улар мазмунни – воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин”²⁵. Олимлар ҳавола бўлак сифатида олиб қараган нисбий сўзлар ҳам юқорида келтирилган жуфтликлардан иборат, лекин шуни таъкидлаш лозимки, ҳавола бўлак ҳақидаги бу фикрлар “Ўзбек тили грамматикаси” II томидаги нисбий сўзлар ҳақидаги фикрлардан қисман фарқ қилади. Жумладан, рисолада *Толиб ака шуни билиб қўйсинки, Ақром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди (Ф.Мусажонов). Онаси кийиниб чиққунча, ота-бола тойчоқни ялтиратиб артиб қўйишарди (А. Қаямов)* гаплари берилиб, биринчиси ҳавола бўлакли гап, иккинчиси ҳавола бўлакисиз гап тарзида талқин этилган²⁶. “Ўзбек тили грамматикаси”да *Шуни билингни, уюшқоқлик, дўстлик кўпгина муваффақиятларимизнинг гаровидир* (Ойбек) гапида “*шуни*” нисбий сўз эмас, изоҳланувчи сўз сифатида келтирилган²⁷. Кўриниб турибдики, бир хил синтактик ҳодисаларни талқин этишда ҳар хилликка йўл қўйилмоқда. Ҳавола бўлаklar ҳақидаги фикрлар академик

²⁵ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент. 1992 йил. 243-бет. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1995 йил. 172-бет

²⁶ Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1995 йил. 173-бет

²⁷ Ўзбек тили грамматикаси. ИИ том. Тошкент. „Фан“ нашриоти. 1976 йил. 413-бет

лицейлар учун нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигига ҳам киритилган²⁸. Аммо шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу олимлар иккита дарсликда нисбий сўзларни икки хил талқин этадилар. Академик лицейлар дарслигида нисбий сўзлар ҳавола бўлакли гапни шакллантирувчи восита сифатида ажратилган бўлса, умумтаълим мактаблари 9-синфининг амалдаги дарслигида кўрсатиш олмошили эргашган қўшма гап ва нисбий сўзли эргашган қўшма гаплар эргаш гапларнинг алоҳида турлари сифатида ажратилган ва уларга шундай таъриф берилган:

“Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмоши маъносини изоҳлаш учун қўлланган эргаш гаплар бош гапга –ки юкламаси ёрдамида боғланади. Бу юклама бош гап кесими таркибида бўлади ва эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади.

Баъзан бу бўлак қўлланмаслиги ҳам мумкин, аммо унинг ўрни билиниб туради”²⁹.

Бу таърифдан эргаш гап бош гапдаги маъноси изоҳталаб бўлган кўрсатиш олмоши билан ифодаланган алоҳида бўлакни изоҳлаши маълум бўляпти. Кейинги таърифда эса нисбий сўзлар шундай талқин этилади:

“Эргаш гап таркибида қўлланувчи ким, нима, қанча, қанчалик, қандай, қаер каби сўроқ олмошлари ва бош гап таркибида унга жавоб бўлиб келувчи шу, ўша, шунча, шунчалик, шундай каби олмошлар бири-бирига нисбатан қўлланганлиги, бири иккинчисини тақозо этганлиги учун нисбий сўзлар ҳисобланади. Эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодаланади”³⁰

Академик лицейлар дарслигида ҳавола бўлакли қўшма гап таърифида улар иккаласи биргаликда олинади ва шундай дейилади:

“Қўшма гап таркибида фақат эргаш гапгина бош гапга маълум боғловчи воситалар ёрдамида боғланиб қолмайди. Кўпинча бош гап

²⁸ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литсейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил. 167-172-бетлар

²⁹ Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А, 9-синф учун дарслик. Тошкент “Тасвир” нашриёт уйи. 2006-йил. 46-бет

³⁰ Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А, 9-синф учун дарслик. Тошкент “Тасвир” нашриёт уйи. 2006-йил. 47-бет

таркибида ҳам эргаш гапни тақозо этадиган, унинг мавжуд бўлишига ишора (ҳавола) қиладиган кўрсатиш олмошлари иштирок этади. Эргаш гап *шу* олмошининг маъносини изоҳлайди, унинг маъносига тенг келади”³¹.

Юқоридаги таърифлар бир-бирини тўлдириш ўрнига айрим чалкашликни келтириб чиқаради. Ўқувчи ҳавола бўлак ва нисбий сўзларни бир-бирига аралаштириб юборишига олиб келади. Академик лицей дарслигидаги таърифида айтилган фақат “Эргаш гап *шу* олмошининг маъносини изоҳлайди, унинг маъносига тенг келади” деган хулоса бу чалкашликни янада оширади. Чунки эргаш гап нафақат “шу”, балки “у, ўша, шунча, шундай, шунчалик, шу ер, шу даражада” кабилар маъносини ҳам изоҳлайди ва уларга тенг келади. Қолаверса, бош гап таркибида келувчи *шу*, шундай олмошлари эргаш гапни тақозо этса, нисбий олмошли кўшма гапнинг эргаш гапи таркибида келувчи *ким, нима, қайси, қандай, қаер, қанча, қанчалик* каби олмошлар бош гапда ўзига жавоб бўладиган бошқа олмошларни тақозо этади. Буни олимлар ўзларининг 9-синф дарслигидаги таърифларида ҳам инкор этмайдилар, лекин академик лицей дарслигида иккаласини аралаштириб юбордилар.

Шунингдек, нисбий олмош ёрдамида тузилган эргаш гапли кўшма гапларни ҳавола бўлакли кўшма гап сифатида талқин этиш ва улар компонентларини бириктирувчи восита сифатида –*ки* юкламасининг ҳам келтирилиши ноаниқликка олиб келади. Масалан, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Собиров, Ш.Юсуповалар ҳамкорлигида ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (академик лицейлар III босқичи учун) дарслигида ҳавола бўлакли гаплар қисмларининг ўзаро бирикиши ҳақида шундай таъриф берилган:

“Ҳавола бўлакли кўшма гапларда эргаш гап бош гапга ҳавола бўлақдан ташқари, -ки ва –са шакллари ёрдамида боғланади. Булардан –ки

³¹ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литсейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил. 168-бетлар

бош гап кесими охирига, -са эргаш гап кесими охирига қўшилади.

Солиштиринг:

- 1) шу...-ки, ...-ди
- 2) ким...-са,...-ди”³²

Агар эътибор берадиган бўлсак, бу таъриф орқали яна нисбий сўз ва ҳавола бўлак тушунчалари аралштириб юборилмоқда. Биз эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги бош гапларда шу бўлақлар вазифасини бажариб келадиган кўрсатиш олмошларининг ҳавола бўлак сифатида қаралишига қарши эмасмиз, аммо шуниси маълумки, бу сўзлар эргаш гапнинг бош гапга бирикишида асосий рол ўйнамайди, ҳатто уларни тушириб қолдириш ҳам мумкин. Масалан: “Шуни унутмангки, интизом муваффақият гаровидир” гапини “Унутмангки, интизом муваффақият гаровидир” шаклида ҳам бериш мумкин. Бунда фақат бош гапнинг грамматик шаклида ўзгариш рўй беради, яъни тилда ихчамликка интилиш натижасида қисқариш вужудга келади, лекин эргаш гапли қўшма гапнинг шаклий тузилиши ҳам, мазмуний тури ҳам сақланиб қолади. Нисбий олмош билан бириккан гапларда эса нисбий олмошнинг туширилиши қўшма гап мазмунига ҳам, шаклига ҳам таъсир қилишини юқорида кўриб ўтган эдик. Бизнингча, ҳавола бўлақли гаплар таърифини қўшимча назарий изоҳлар билан тўлдириш ва бу тушунчани аниқлаштириш зарур. Нисбий сўзларга ҳавола бўлак сифатида қараш ҳам нотўғри эмас, чунки у ҳам ўзига изоҳ талаб қилади ва эргаш гапни тақозо этади, лекин нисбий сўз икки ҳавола бўлақли гаплар (нисбий сўз ёрдамида ҳосил бўладиган эргаш гапли қўшма гап) таркибида ишлатилади ҳамда компонентларининг ўзаро бирикишида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, нисбий сўзлар қатнашган эргаш гаплар бош гапгина эмас, ҳар иккала гап бир-бирини тақозо этади. Уларни алоҳида ажратиб олиб қарасак, мазмуний тугал бўлмаслик ҳоли бош гапда

³² Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литсейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил. 169-бетлар

хам, эргаш гапда ҳам мавжудлигини кўраимиз. Масалан, ...*сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сен ҳақингда шундоқ иш қилур...* (“Қобуснома”) гапидаги ҳар иккала компонент бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга. Уларни алоҳида ажратиш мазмун бутунлигига путур етказди. Бу ҳодиса ҳақида олимларимиз ўз илмий тадқиқотларида билдирган фикрларига кўра бундай типдаги қўшма гапларда “...тобелик алоқаси бошқа эргаш гапли қўшма гаплардагидан фарқли ўлароқ икки томонламадир, яъни “алоқа йўналиши эргаш гаплардан бош гапларга, айти вақтда бош гаплардан эргаш гаплар томон ҳаракат қилади”³³

Нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар компонентларининг ўзаро бирикишида ишлатилувчи воситалар ҳақида ҳам муайян тўхтамга келиш зарур бўлади. чунки кузатувларимизга кўра бундай типдаги эргаш гапли қўшма гапларда фақат феълнинг шарт майли шакли эмас, бошқа воситалар ҳам иштирок этиши маълум бўлмоқда. Баъзан эса умуман боғлочи восита ишлатилмаган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, *эй фалони, ҳар нарсаки оламда бордур, сен унинг барчасин билурсан* (“Қобуснома”). *Сен неким қилдинг, унутдим мен тамом...* (Алишер Навоий). *Ҳар неники севмоқ ондин ортуқ бўлмас, Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз* (Алишер Навоий). *Ким суялди, ўша уялди* (Топишмоқ. “ёлгон сўз”). Мазкур мисолларнинг бирортасида феълнинг шарт майли шакли (-са) ишлатилмаган, лекин биз уларни қўшма гап сифатида эътироф этамиз. Уларда эргашини ҳам мавжудлиги яққол кўриниб турибди, таркибидаги нисбий сўзларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу хулосаларга кўра гапларнинг дастлабки учтаси тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап, охиргиси эса эга эргаш гапли қўшма гапга мисол бўла олади.

Бу ҳолатлар мазкур масалада бир қарорга келиш ва атамаларни ўз ўрнида ишлатишга, таърифлардаги ҳар хилликни баргараф этишга эришишни тақозо қилади.

³³ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент. 1992 йил. 243-бет. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1995 йил. 244-бет

Нисбий сўзлар ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг кўрсатиш олмоши иштирок этадиган эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардан асосий фарқларидан яна бири шуки, улар таркибидаги нисбий сўзлардан ҳамма вақт эмас, айрим ҳоллардагина шунда ҳам фақат биттасини тушириб қолдириш мумкин: *Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир... (Бобур)* каби. Юқоридаги қўшма гапнинг бош гапидаги эга вазифасида келган изоҳланувчи у кишилиқ олмоши тушириб қолдирилган. Агар нисбий олмошли қўшма гапнинг ҳар иккала компонентдаги нисбий сўзлар туширилса, гапнинг мазмун- мундарижаси тамоман ўзгариб кетади. Масалан, қуйидаги гапда нисбий сўзларнинг бирортасини тушириб бўлмайди, агар уларнинг ҳар иккаласи туширилса, гап мазмуни ҳам, тури ҳам ўзгаради: *Сен уни қанчалиқ севсанг, у сени шунчалиқ ҳурмат қилади. Сени уни севсанг, у сени ҳурмат қилади.* Мазкур гапларнинг биринчи миқдор-даража эргаш гапли қўшма гап бўлса, иккинчиси шарт эргаш гапли қўшма гап саналади. Кўрсатиш олмоши иштирок этадиган эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда эса кўрсатиш олмошининг туширилиши гап мазмуни ва турига таъсир қилмайди: *шунни билиб қўйингки, у сиздан жуда миннатдор. Билиб қўйингки, у сиздан жуда миннатдор.* Буларнинг ҳар иккиси ҳам тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплигича қолмоқда. Шунингдек, юқорида таъкидланганидай, нисбий олмошли эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим турлари орасида структура ўхшашлиги ва тенглиги ҳодисаси учраб туради. Бундай ҳолларда гапнинг синтактик табиатига ҳам, сигнификатив материалига ҳам путур етказмасдан эргаш ва бош гапларнинг позицион ўзгаришига эришиш, яъни қўшма гапларнинг компонентлари тартибини ўзгаритиш мумкин. “Қўшма гаплар, аниқроғи, эргаш гапли қўшма гаплар сатҳида кўзга ташланувчи бундай ҳодисаларда синтагматик бутунлик ҳосил қилувчи икки микроконструкция (эргаш ва бош гаплар) позицион характеристикаси ва ана шу характеристикаси билан боғланувчи синификатив маънолари бир хил бўлади. Синтагматик бутунликларининг

тартиб ўзгариши позицияси абсолют характерда сақланади. Масалан: эргаш гап-бош гап тартибида тузилган Шамол қаерда эсса, сув ҳам ўша ерда оқади (мақол). Сиз қаерда яшасангиз, мен ҳам ўша ерда бўламан (Мате Залка). Қаерда кураш бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди гапларини Сув қаерда оқса, шамол ҳам ўша ердан эсади. Мен қаерда бўлсам, сиз ҳам ўша ерда яшайсиз. Қаерда ўсиш бўлмаса, у ерда кураш ҳам бўлмайди каби ўзгартирилса ҳам гапнинг табиати ўзгармайди, сигнификатив материалга путур етмайди. Шунингдек, предикатив қисмлар тартиби ҳам эргаш гап – бош гап моделида ўзгаришсиз қолади”³⁴.

Нисбий сўзларининг эргаш гапли кўшма гаплар таркибидаги тобе ва ҳоким гапларни ўзаро бириктиришдаги аҳамияти катта. Чунки улар эргаш ва бош гапларни ўзаро бириктиришдан ташқари кўшма гапнинг мазмун мундарижсини ҳам белгилаб бера олади. Қиёслайлик:

1. Ким сенга ёқса, ўша мен учун азиз.
2. Сенга қанчалик ёқса, мен учун шунчалик азиз.
3. Қаер сенга ёқса, ўша ер мен учун азиз.

Берилган гапларнинг барчасида нисбий сўзлардан ташқари бўлақлар ўзгармаган, лекин шунга қарамай улар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчиси шахс маъносидаги эга эргаш гапли, иккинчиси миқдор-даража эргаш гапли, учинчиси ўрин маъносидаги эга эргаш гапли кўшма гап эканлиги ойдинлашади. Бунда нисбий олмошлар гапнинг мантиқий маъносига ҳам кескин ўзгартириш киритганлигини эътиборга олиш керак бўлади. Биринчи гапда фикр мантиқан бир шахсга қаратилган бўлиб, ўша шахснинг бошқаларга қай даражада ёқиш масаласи ойдинлашяпти. Иккинчи гапдаги фикрнинг кимга ёки нимага қаратилганлиги мавҳум бўлиб қолган. Бу шахс ёки предмет бўлиши мумкин. Учинчи гапдаги фикр мантиқан жой маъносини ифодалайди. Кўриниб турибдики, гаплардаги фикр мантиғининг ўзгаришида нисбий сўзларнинг аҳамияти жуда катта

³⁴ Бердиалиев А. “Егаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика”. Тошкент. “Фан” нашриёти. 1989 йил. 93-94-бетлар

бўлган. Демак, нисбий сўзлар эргаш гапли қўшма гаплар компонентини бириктириш билан бир пайтда унинг мантикий мазмунига ҳам таъсир кўрсата олади ва ҳақли равишда “гапнинг нафақат ритмик нуқтаи назардан, балки унинг органик тузилиши жиҳатидан ҳам ажралмас қисми”га айланади.

Нисбий олмош қатнашган эргаш гапли қўшма гапларга хос бўлган яна бир хусусият уларнинг содда гап билан синонимик муносабатга кириша олишидир. Уларнинг бу табиати кўпчилик тилшунослар томонидан эътироф этилган. Жумладан А.Мамажонов ҳам бу масалага тўхталиб ўтади ва шундай фикр билдиради:

“Таркибида нисбий олмош қўлланган эргаш гапли қўшма гапларни содда гап ҳолида ҳам бериш мумкин. Бунинг учун эргаш гап таркибидаги эга вазифасини бажарувчи нисбий олмош ўрнида от қўлланади, кесим функциясини бажарувчи шарт феъли эса сифатдошга айланади. Натижада қўшма гап орқали берилган фикрни содда гап орқали ифода этиш имконияти туғилади:

Қўшма гаплар:

Ким баҳорни ёмон кўрса, қалдирғоч уясини бузади (Мақол). Ким ишлаб топса, ош лаззатли бўлади (Мақол).

Кимки иғво-ёлғонни қилиб олса касб,

Бўлажак шармисор бир умр бўйи (Мақол).

Содда гаплар: Баҳорни ёмон кўрган одам қалдирғоч уясини бузади. Ишлаб топган одамнинг оши лаззатли бўлади. Иғво-ёлғонни касб қилиб олган киши умр бўйи шармисор бўлади”³⁵.

Олим бу фикрини яна давом эттиради ва юқоридаги фикр-мулоҳазаларидан фарқли равишда нисбий олмошли қўшма гапларнинг содда гапларнинг бошқача кўринишдаги тури билан синонимик муносабатини ёритиб беради:

³⁵ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. Фан. 1990.94-бет

“Таркибида предикатив қўшилма характеридаги отлашган бирикмалари мавжуд бўлган содда гаплар ҳам нисбий олмошли қўшма гап турлари билан синонимик қатор ҳосил қилади:

Фикри равшаннинг сўзи равшан.

Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.

Бўйинида илллати борнинг оёғи қалтирайди.

Бу содда гапларни қўшма гапга айлантириш учун унинг таркибидаги бирикмали аниқловчилар нисбий олмош ёрдамида шаклланган аниқловчи эргаш гапга айлантирилади: бирикма бош келишик формасида қўлланиб, унинг олдидан қаратқич келишигидаги нисбий олмош, бирикма сўнгидан эса “бўлса” феъли келтирилади, натижада аниқловчи эргаш гап ҳосил бўлади:

Кимнинг фикри равшан бўлса, унинг сўзи равшан бўлади. Кимнинг қорни тўқ бўлса, унинг қорни очдан хабари йўқ. Кимнинг бўйинида илллати бор бўлса, унинг оёғи қалтирайди”³⁶.

Мазкур мисоллардаги синонимия улар таркибидаги предикатив бор кабиларнинг нисбий олмошли аниқловчи эргаш гапга айланишидан ҳосил бўлган. Бу ўринда шу бирикмаларнинг вазифасини ўзгартириш йўли билан эргаш гапнинг бошқа турини ҳам ҳосил қилиш мумкин эканлигига ҳам эътибор қаратиш керак. Масалан: Фикри равшанга ҳамма ишонади (содда гап). Кимнинг фикри равшан бўлса, унга ҳамма ишонади (тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап).

А.Мамажонов ўз илмий кузатишларига кўра нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинадиган эргаш гаплар полисемантик хусусиятга эга бўлишини ҳам таъкидлайди ва қуйидаги мисолларни келтиради:

1. Ким кўп ўқиса, уни ҳамма ҳурмат қилади.
2. Ким кўп ўқиса, у кўп билади.
3. Ким кўп ўқиса, унинг йўли тўғри бўлади.
4. Ким кўп ўқиса, дунёқараши тез ўсади.

³⁶ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. Фан. 1990.98-бет

“Юқоридаги қўшма гапларнинг ҳаммасида “Ким кўп ўқиса” эргаш гаплари бир хил моделда шаклланган, лекин улар бир хил мазмунга эга эмас. Уларнинг биринчиси – тўлдирувчи, иккинчиси –эга, учинчиси-аниқловчи, тўртинчиси эса сабаб эргаш гап мазмунини ифодалайди. Бунинг сабаби шундаки, “ким кўп ўқиса” эргаш гапи билан бирикаётган бош гапларнинг семантикаси бир-биридан тамоман фарқ қилади. Бундай ҳолат полисемантик характердаги эргаш гап кўринишини ҳосил қилади”³⁷.

³⁷ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. Фан. 1990.108-бет

1.2. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилиши

Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар шаклий ва мазмуний тузилишига кўра бир неча турга ажратиш мумкин бўлади. Шаклига кўра турларга ажратишга асосий эътибор нисбий сўзларнинг грамматик шаклига қаратилади. Маълумки, айрим қўшма гапларда нисбий сўз бирор келишиқда келади ва шунга кўра муайян синтактик вазифани бажаради. Масалан: *Кимнинг сўзи рост бўлса, унинг юзи ёруғ бўлади* гапида *кимнинг* ва *унинг* нисбий сўзлари иштирок этяпти. Улар грамматик шаклига кўра қаратқич келишигида ишлатилган ва шунга асосан гапда қаратқич аниқловчи вазифасини бажаряпти. Демак, нисбий сўзнинг грамматик шаклий тузилишига кўра уни аниқловчи эргаш гап сифатида талқин этиш мумкин бўлади.

Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар шаклида бош ва эргаш гап таркибидаги нисбий сўзлар ўзаро мослашиши ёки мослашмай қолиши ҳам кузатилади. Шунга кўра гапнинг тури ҳам ўзгаради. Шунини унутмаслик керакки, бундай қўшма гапларнинг эргаш гапи таркибидаги нисбий сўз шаклан ўзгармай қолавериши мумкин. Шунинг учун гапнинг турини белгилашда бош гап таркибидаги нисбий сўзнинг грамматик тузилиши ҳисобга олинади, чунки эргаш гап айнан шу бўлакни изоҳлайди ва унинг вазифасини ўз зиммасига олади. Масалан:

1. Ким ақл билан иш тутса, у ҳурматга лойиқ бўлади.
2. Ким ақл билан иш тутса, унга ҳамма ишонади.
3. Ким ақл билан иш тутса, унинг хатоси кам бўлади.

Юқоридаги гапларнинг бош гапи таркибидаги нисбий сўзлар у (бош келишиқ), унга (жўналиш келишиги), унинг (қаратқич келишиги) шаклларида келгани учун биринчи гапда – эга, иккинчи гапда – тўлдирувчи, учинчи гапда – қаратқич аниқловчи вазифаларини бажарган ва шунга кўра эга, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни ҳосил қилган. Мисол тариқасида келтирилган қўшма гаплардаги „Ким ақл

билан иш тутса“ эргаш гапларининг бир хил моделда шаклланиши, уларнинг мазмунан бир хиллигини англамайди, чунки бир хил грамматик шаклдаги эргаш гап билан бирикаётган бош гапларнинг семантикаси бир-биридан тамоман фарқ қилади. „Бундай ҳолат полисемантик характердаги эргаш гап кўринишини ҳосил қилади“³⁸. Нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларни шаклий тузилишига кўра куйидаги гуруҳларга ажартиш мумкин бўлади:

1. Ҳавола бўлакли эга қўшма гаплар.
2. Ҳавола бўлакли тўлдирувчи қўшма гаплар
3. Ҳавола бўлакли аниқловчи қўшма гаплар.

Ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг бу турларида бош гапдаги нисбий сўзларнинг қатнашиши ўта муҳим саналмайди. Баъзан бу сўз тушириб қолдирилиши мумкин, лекин умумий мазмун мундарижасида англашилиб туради.

Маълумки, тил ҳодисаларини муайян бир қолип билан чегаралаб кўйиш мумкин эмас. Тилнинг энг асосий хусусиятларидан бири доимо ҳам қолипга мослашавермасликдир. Шундан келиб чиққан ҳолда қўшма гапларнинг юқоридаги анъанавий шаклларида ташқари, кесим эргаш гапли қўшма гап ҳам учраб туришини унутмаслик лозим. Бу ҳодиса қисман бадий нуктда ва кўпроқ оғзаки нутқ билан боғлиқ ҳолда рўй беради, чунки нутқ услубларининг бу кўринишларида гапдаги қисмларининг тартиби тез-тез ўзгариб туради. Айнан шу кесим эргаш гапли қўшма гапнинг вужудга келишига туртки бўлади. Масалан куйидаги гапларга эътибор берайлик:

1. Ким маррага биринчи бўлиб келса, ўша ғолиб.
2. Ким маррага биринчи бўлиб келса, ғолиб ўша.

Ҳар иккала гапнинг бош гапи таркибида ҳам “ўша” нисбий олмоши иштирок этган, лекин у биринчи гапда эга, иккинчи гапда эса кесим

³⁸ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. Фан. 1990.108-бет

вазифасида ишлатилган. Буни қўшма гапларнинг бош гапида рўй берган тартиб ўзгариши ҳодисаси билан изоҳлаш мумкин. Тартиб ўзгариши натижасида аввал эга ва кесим вазифасини бажариб турган сўзларнинг ҳам вазифаси ўзгаради. Тилшуносликда бундай ҳодиса “...алоқага киришувчи элементларнинг бир-бирига нисбатан ўринлашишидан, тартибидан иборат” бўлган позицион восита саналади. Унинг натижасида сўз бирикмаси гапга ёки аксинча, гап сўз бирикмасига айланиши мумкин³⁹. Кесим эргаш гапли қўшма гапнинг шу типдаги бошқа қўшма гаплардан яна бир асосий фарқи шуки, унинг бош гапи таркибидаги нисбий олмош билан ифодаланган кесимини тушириб бўлмайди. Агар у тушириб қолдирилса, гап мазмунан кесим эргаш гапли қўшма гап сифатида талқин этилмаслиги мумкин. Масалан: *Ким маррага биринчи келса, голиб*. Бу гапда мантиқ ўзгаришини кесимнинг туширилиши билан изоҳлаш мумкин. Кесим эргаш гапнинг бундай тури ҳақида мавжуд илмий манбаларда маълумот берилмаган бўлса-да, бу ҳодиса тез-тез учраб туришини алоҳида қайд этиш лозим бўлади.

Юқоридагилардан ташқари эргаш гапли қўшма гаплар шаклий муносабатига кўра ҳол эргаш гапли қўшма гаплар орасида ҳам учраб туради. Масалан: *Ёзувчининг тафаккури қанчалик кенг бўлса, асарнинг кўлами, салмоғи, “юки” шунчалик оғир бўлади (А.Холмуродов)*. Бу ўринда эргаш гап бош гапдаги даража- миқдор ҳолини изоҳлаб келмоқда. Ҳол эргаш гапли қўшма гапларни мазмунига кўра бир нечга турга бўлиш мумкин.

Биз юқорида эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий тузилишига кўра турлари юзасидан фикр юритдик. Бунда тилшуносликда мавжуд бўлган анъанага мувофиқ эргаш гап бош гапдаги қайси бўлакни изоҳлаётганини ҳисобга олдик, яъни уларнинг бу таснифда биз юқорида айтилган содда бўлаклардан андоза олиш йўли ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларни шаклий тузилишига кўра эга, кесим,

³⁹ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Тошкент. „Фан“ нашриоти. 1976 йил. 11-бет.

тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол эргаш гапли қўшма гаплар сифатида беш турга бўлдик. Қуйида уларнинг мазмуний тузилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Илмий тадқиқотларда эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний тузилиши ҳақидаги фикрларда кўпроқ уларнинг шакл ва мазмун жихатидан бир-бирига мослашмай қолиш ҳодисасига эътибор қаратилган. Бунда шаклан эргаш гапли қўшма гап мазмунан содда гапга тенг келиб қолиши шакл ва мазмундаги номувофикликни келтириб чиқариши ҳақидаги фикрлар айтиб ўтилган. Уларда эргаш гапли қўшма гапларнинг таркибидаги компонентларидан бири модус ифодаловчи гап (ахборотни актуаллаштирувчи) саналса, иккинчиси детонатив воқеа ифодаси бўлган гап сифатида талқин этилган. Бунда модус ифодачиси бўлган гап детонатив воқеа ифодаси бўлган гапни талаб этиши таъкидланади. Кўпгина тилшуносликда модус ифодачиси бўлган гап бош гап саналса, детонатив воқеа ифодаловчи гап эргаш гап саналади деган қарашлар мавжуд, лекин олимларимиз таъкидлашларича бу қарашлар ўзбек тили табиатига мос эмас. “Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларда асосий “ахборотни актуаллаштирувчи” сифатида, яъни модус ифодачиси сифатида бош гап ҳам, эргаш гап ҳам, айтиб ўтилганидай, келавериши мумкин. Қиёс: *Ҳамма гап шундаки, биз тезроқ ишга киришмоғимиз керак. Кун тартибидаги кейинги масалага келсак, асосий маърузани касаба уюшмасининг раиси қилади.* Биринчи гапда модус бош гап орқали, иккинчи гапда эса модус эргаш гап орқали ифодаланган. Лекин барибир ҳар икки гапда ҳам мазмуний-синтактик номувофиклик мавжуд”⁴⁰. Аммо, биз ўз ишимизда нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинган эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний тузилиши деганда бу ҳодисани назарда тутганимиз йўқ. Биз бу масалани ёритишда нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинган эргаш гапли қўшма гапларнинг юқорида санаб ўтган ҳар бир тури

⁴⁰ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент. 1992 йил. 233-бет

доирасидаги мазмуний бўлинишни ҳисобга олдик. Масалан, *кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин (Ҳадис)* гапи шаклан эга эргаш гапли қўшма гап, чунки унда эргаш гап бош гапнинг (*унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин*)да ифодаланмай қолган эга (у)ни изоҳлаяпти. Бу эга мазмунан шахсни англатган, демак, юқоридаги гап шаклий тузилишига кўра эга эргаш гап, мазмуний тузилишига кўра шахс тушунчасини изоҳловчи эргаш гап. Бизнинг кузатишларимизга кўра нисбий олмош ёрдамида ҳосил бўлган бир хил шаклий тузилишдаги эргаш гапли қўшма гаплар мазмуний тузилишга кўра бир неча гуруҳни ташкил этиши мумкин. Буни қуйидаги жадвал ёрдамида кўриб чиқишимиз мумкин:

№	Шаклий тузилишга кўра тури	Мазмуний тузилишга кўра тури	Мисоллар
1.	Эга эргаш гапли қўшма гап	Шахс	Ким бўлса-да, отни билар экан (Тоғай Мурод)
		Нарса-буюм	Ҳар нарсаки табъи латифликдин пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур (“Қобуснома”)
		Ўрин-жой	Инсон қаерда туғилса, ўша ер унинг ватанидир (Газетадан)
2.	Кесим эргаш гапли қўшма гап	Шахс	Ким ишдан бир нима чиқишида ишонса, уста ўша (А.Қаҳҳор)
3.	Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап	Шахс	...тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур... (“Қобуснома”)
		Нарса-буюм	Дунёдан ҳар нимаики ҳосил қилдим, сенинг олдингга қўйдим (“Қобуснома”)

		Ўрин-жой	Ота-онанг қаерни азиз тутса, сен ҳам ўш ерни ардоқла (Ҳикмат)
4.	Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап	Шахс	Ҳар кишиким куёш чикқунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур (“Қобуснома”)
		Нарса-буюм	Киши нимани йўқотса, ўшанинг ўрнини яққолроқ ҳис этади (Газетадан)
		Ўрин-жой	Қаернинг ҳавоси тоза бўлса, ўша ернинг меvasи ширин бўлади (Газетадан)
		Белги- хусусият	Ота-она қайси йўлга бошласа, фарзанд ўша йўлдан юради (“Одобнома”дан)

Нисбий олмош ёрдамида ҳосил бўлган ҳол эргаш гапли қўшма гаплар ҳам мазмуний тузилишига кўра бир неча турга бўлинади. Кейинги жадвалимизда ана шу типга мансуб эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний тузилишига кўра турлари ҳақида маълумот берамиз:

№	Мазмуний тузилишга кўра тури	Мисоллар
1.	Ўрин	Қаерда гўзага асалари кўп ёпишса, ўша ерда пахта ҳосили мўл бўлади (Ш.Р.)
2.	Пайт	Қачон ўзлигингни англаб етсанг, ўшанда ҳаёт мазмунини билиб оласан (“Тасаввуф сирлари” китобидан)
3.	Даража-миқдор	Сенинг кўзингга у ҳар қанча яхши кўринса ҳам, ўзгаларнинг кўзига шу миқдор ёмонроқ кўринур (“Қобуснома”)
4.	Ҳолат-тарз	Бошқаларга қандай муомала қилсанг, сенга ҳам шу тахлит муомала қилурлар

		(“Одобнома”дан)
5.	Сабаб	Сен нима учун куйиб-пишсанг, мен ҳам шунинг учун елиб-югураман (Т.М.)
6.	Мақсад	Келтирилган дастгоҳлар нимага мўлжалланган бўлса, улардан шу мақсадда фойдаланиш йўлга қўйилди (Газетадан)

Нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларни мазмуний тузилишига кўра гуруҳларга ажратишда улар таркибида ишлатилган нисбий сўзларнинг маъноси катта аҳамиятга эга. Масалан, куйидаги гапларнинг мазмунини бир-бирига солиштирайлик:

1. Чўпон тоғларни қанча севса, боғбон боғларни шунча ардоқлайди.
2. Чўпон тоғларни қандай севса, боғбон боғларни шундай ардоқлайди.

Биринчи гапдаги нисбий сўзлар миқдор-даража тушунчасини, иккинчи гапдаги нисбий сўзлар эса тарз (ҳолат) тушунчасини англатмоқда. Шунга кўра биринчи гап мазмунига кўра ҳол эргаш гапли қўшма гапнинг миқдор-даража, иккинчиси эса қиёслаш-чоғиштириш турини ҳосил қилмоқда. Демак, мазмуний турга ажратишда нисбий сўзнинг маъносига эътибор қаратиш лозим бўлади. Нисбий сўзлар ҳол эргаш гапли эргаш гапли қўшма гапларнинг барча турларида ҳам қатнашавермайди. Шунинг учун бундай қўшма гапларнинг тури ҳам чегараланган бўлади. Уларнинг мазмунига кўра энг кўп учрайдиган тури миқдор-даража ва ўрин эргаш гапли қўшма гаплардир. Лекин юқоридаги жадвалда келтирганимиздек, оз бўлса-да, ўхшатиш-чоғиштириш, пайт, сабаб, мақсад мазмунидаги ҳол эргаш гапли қўшма гаплар ҳам учраб туради:

Ҳавола бўлакли ҳол эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний тузилишида гапнинг ҳар иккала компонентидаги нисбий сўзлар бир хил сўроққа жавоб бўлиши билан характерланади. Эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапларда эса бош ва эргаш гаплардаги нисбий сўзларнинг

баъзан грамматик шаклда мослашмаслик ҳоллари учраб тургани учун сўроқлари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин: *Кимнинг* билими кўп бўлса, *ундан* элга наф тегади (кимнинг? кимдан?). яна шуни таъкидлаш керакки, нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинган эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли кўшма гапларнинг эргаш гапига хос бўлган полисемантик хусусият ҳам шу кўринишдаги ҳол эргаш гапли кўшма гаплар учун хос эмас. Чунки бундай гаплар таркибида бир хил типдаги эргаш гапларга турли мазмундаги бош гапларни бириктириш имконияти мавжуд эмас. Лекин уларда нисбий сўзларни алмаштириш йўли билан гап мазмунини ўзгартириш имконияти бор: *Қачон* бошқалар фикрини тинглашни ўргансанг, *ўшанда* сенинг гапингга ҳам қулоқ тутадилар (пайт эргаш гапли кўшма гап). Бошқалар фикрини тинглашни *қанчалик* ўргансанг, сенинг гапинга ҳам *шунчалик* қулоқ тутадилар (микдор-даража эргаш гапли кўшма гап).

Ҳавола бўлакли эргаш гапли кўшма гапларда нисбий сўзларнинг ўрни ҳам барқарорлашган эмас. Тўғри, айрим нисбий сўзлар гап бошида келиши нисбатан қатъийлашган бўлса-да, лекин бу ҳодиса ҳам барқарорлик хусусиятига эга эмас:

1. *Ким* сенинг айбингни яширса, у сенинг душманинг бўлади.
2. Сенинг айбингни *ким* яширса, сенинг душманинг *ўша* бўлади.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, айрим ҳолларда нисбий сўзлар ўрнини алмаштириш учун уларни синонимик ҳолатда ишлатиш ҳам мумкин.

Нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилишига кўра гуруҳланиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни шу ўринда яқунлаб, бундай кўшма гап турларининг услубий хосланиши таҳлилига ўтишни лозим деб топдик.

1-боб бўйича қисқача хулоса:

Хулоса қилиб айтганда, эргаш гапли қўшма гаплар ўзаро тенг бўлмаган компонентли қўшма гаплар сирасига киритилади. Бундай гапларда бош гап мазмунан ва тузилишига кўра нисбатан мураккаб ҳисобланиб, эргаш гап унинг бирор бўлагини ёки бутунча изоҳлайди.

Анъанавий тилшуносликда эргаш гапли қўшма гапларни таснифлашда эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар, унинг бош гапга нисбатан қандай вазифани бажарганлиги ва эргаш гап ҳамда бош гапнинг ўзаро муносабатига ва тузилиш хусусиятларига ҳисобга олинади.

Тилшунос олимлар Н.Маҳмудов ва А.Нурмонов ҳам ўзларининг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” дарслигида эргаш гапли қўшма гаплар таснифи ҳақида шундай фикр билдирадилар:

“Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар (бошқа кўпгина тилшуносликлардаги каби) мазмуний-шаклий жиҳатдан 14 турга ажратилади: 1) эга; 2) кесим; 3) тўлдирувчи; 4) аниқловчи; 5) равиш; 6) ўлчов-даража; 7) чоғиштириш-ўхшатиш; 8) сабаб; 9) мақсад; 10) пайт; 11) ўрин; 12) шарт; 13) тўсиқсиз; 14) натижа эргаш гаплар.

Бизнинг ишимиз мавзуси нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларга тааллуқли бўлгани учун, эргаш гапли қўшма гаплар таснифига кўп тўхталиб ўтишни лозим топмадик ва юқоридаги назарий маълумотлар билан чекланишга қарор қилдик. Чунки эргаш гапли қўшма гаплар таснифида (А.Нурмонов ва бошқаларнинг “ҳавола бўлакчи эргаш гапли қўшма гаплар” ҳақидаги фикрларидан ташқари) бу борада алоҳида фикр билдириб ўтилган эмас. Илмий манбаларда нисбий сўзлар эргаш гапнинг алоҳида бир турини шакллантирувчи восита сифатида эмас, эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалардан бири сифатида эътироф этилган ва тадқиқ қилинган. Лекин кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги нисбий сўзларнинг вазифаси фақат улар компонентини бириктириб қўйишдан иборат бўлмай,

уларнинг структурасига ҳам, мазмунига ҳам бир қатор таъсир ўтказа оладиган синтактик воситалардан биридир.

Ҳавола бўлакли қўшма гаплар нисбий олмош (айрим манбаларда нисбий сўз деб берилган) ёрдамида шаклланган бўлиб эргаш гапли қўшма гаплар ҳақидаги назарий маълумотлар ҳам жуда кўп тадқиқотларда учрайди. Бизнингча ҳам унча нисбатан нисбий сўз атамасини қўллаган маъқул, чунки уларнинг ҳаммаси ҳам олмош эмас, айримлари: *шу ер, шу даражада* каби равиш сўз туркумига мансуб деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқдир. Бизнинг назаримизда уларнинг келиб чиқиши олмош билан боғлиқлиги ва нисбий тушунча англатиши олмош деб аталишига сабаб бўлган.

Нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар компонентларининг ўзаро бирикишида ишлатилувчи воситалар ҳақида ҳам муайян тўхтамга келиш зарур бўлади. Чунки кузатувларимизга кўра бундай типдаги эргаш гапли қўшма гапларда фақат феълнинг шарт майли шакли эмас, бошқа воситалар ҳам иштирок этиши маълум бўлмоқда. Баъзан эса умуман боғлочи восита ишлатилмаган ҳоллар ҳам учрайди.

Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар шаклида бош ва эргаш гап таркибидаги нисбий сўзлар ўзаро мослашиши ёки мослашмай қолиши ҳам кузатилади. Шунга кўра гапнинг тури ҳам ўзгаради. Шунини унутмаслик керакки, бундай қўшма гапларнинг эргаш гапи таркибидаги нисбий сўз шаклан ўзгармай қолавериши мумкин. Шунинг учун гапнинг турини белгилашда бош гап таркибидаги нисбий сўзнинг грамматик тузилиши ҳисобга олинади, чунки эргаш гап айнан шу бўлакни изоҳлайди ва унинг вазифасини ўз зиммасига олади.

2-БОБ

Хавола бўлакли эргаш гапли қўшма гапларнинг услубий хосланиши

Синтактик услубият, шу жумладан қўшма гаплар услубияти масаласи тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири саналади. Бу борада жаҳон ва ўзбек тилшунослигида бир катор ишлар қилинган. Жумладан Алижон Мамажоновнинг “Қўшма гап услубистикаси” рисоласи ҳам айнан ана шу муаммони ёритишга қаратилган. Унда қўшма гапнинг барча турлари қаторида хавола бўлаклар ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларга ҳам қисман тўхталиб ўтилган. Олим нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар хил аспектлардаги услубий хоссаларига эътибор қаратади. Булар шу моделдаги қўшма гапларнинг нутқ услублари бўйича хосланиши. Булар шу моделдаги қўшма гапларнинг нутқ услублари бўйича хосланиши, уларнинг содда гаплар билан синонимик муносабатга киришуви, полисемантик хусусиятлари кабилардир.

Биз мазкур ишимизда хавола бўлаклар (нисбий олмошлар) ёрдамида шаклланган қўшма гапларнинг нутқ услублари бўйича хосланиши масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Чунки биз кўздан кечирган илмий манбаларда бу масалага батафсил ўрганилган ҳолатга дуч келмадик. Олимнинг фикрича, “Нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплар оғзаки нутқда кўп учрайди. Бундай қўшма гапларда нисбий олмошлар компонентларни бириктириб турувчи ҳалқа вазифасини бажаради ва изоҳ талаб қилинади. Бундай вақтда изоҳлаш функциясини бажариш эргаш гап зиммасига юклатилади. Натижада эргаш гап бош гапда берилган фикрга аниқлик киритади:

Катта арава қаердан юрса, кичик арава шу ердан юради. Сен қаерга борсанг, мен ҳам неварамни шу ерга олиб бораман (А.Қаххор). Нима буюрилса, ўшани қиламиз (Сўзлашув нутқидан)”⁴¹.

³⁷ “Хавола бўлак” атамаси ўрнида “нисбий олмош” терминидан фойдаланган.й

Албатта, бу фикрларда жон бор, лекин нисбий олмошли кўшма гапларнинг нутқ услублари бўйича хосланишини фақат оғзаки нутқ билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Бизнингча, бундай кўшма гап моделларини барча нутқ услубларида учратиш мумкин. Шуларни ҳисобга олиб ишимизнинг навбатдаги бобини нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гапларнинг нутқ услублари бўйича хосланиш муаммоси тадқиқига бағишладик. Бу муаммони қуйидаги тартибда кўриб чиқишни маъқул кўрдик:

1. Оғзаки нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар.
2. Бадий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар.
3. Илмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар.
4. Расмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар.
5. Публицистик нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар.ў

Бундан кўзланган мақсадимиз ҳар бир нутқ услубида ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гапларнинг ишлатилиш даражаси, услубий аҳамияти ва қайси турлари кўпроқ қўлланганлигини аниқлашдир.

2.1. Нутқ услублари ҳақида

Ўзбек тили функционал услублари ўзининг махсус синтактик категориялари билан алоҳида ажралиб турмайди. Бошқача қилиб айтганда, “Ҳар бир функционал услубнинг алоҳида грамматикаси йўқ”⁴². Мавжуд ҳамма синтактик категориялар барча функционал услублар учун муштаракдир. Лекин нутқ услубларининг у ёки бу тури уларда синтактик конструкцияларнинг қўлланиш доираси, имконияти билан бир-биридан фарқланиб туради.

Маълумки, оғзаки нутқ ихчамлиги, равлонлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам оғзаки нутқда қўшма гапларнинг содда кўринишлари қўлланади. Оғзаки нутқда қўлланувчи қўшма гап қисмлари ўзига хос ритм билан талаффуз қилинади. Бундай қўшма гапларнинг асосий қисмини боғловчисиз синтактик конструкциялар ташкил этади. Қўшма гап компонентлари орасидаги оҳанг эса ифодага тасвирийлик, жонлилик, образлилик киритади.

Оғзаки нутқда қўлланувчи қўшма гаплар фикрни тез пайқаб олиш ва тушунишга катта ёрдам беради.

Публицистик нутқ, асосан, информатив характерга эга бўлади. Бундай нутқда қўлланувчи синтактик конструкциялар орқали маълум воқеа-ҳодисалар агитация ва пропаганда қилинади. Публицистик нутқ матнларининг тематикаси хилма-хил бўлиб, даврнинг долзарб масалалари қамраб олинади.

Публицистик нутқда қўлланувчи қўшма гаплар сўзловчининг фикри, кўпинча, макон ҳамда замон, ҳаракат тарзи ва даражаси каби ҳолатлар билан алоқадор бўлиб, асосан, сўроқ олмошлари ёрдамида шаклланади.

Илмий нутқ матнлари анализи шуни кўрсатадики, унда содда гапларга қараганда жуда кўп миқдорда қўшма гаплардан фойдаланилади. Чунки қўшма гаплар илмий тушунчаларни маълум бир системага солиб ифодалашда қулай воситадир. Илмий нутқда предмет, воқеа-

⁴² Мурат В.П. Об основных проблемах стилистики. М. 1957. С.37

ходисаларнинг турли белги ва хусусиятлари шарҳланади, уларнинг нимадан иборат эканлиги қайд қилинади. Бундай вақтда ўз-ўзидан қўшма гапларга катта эҳтиёж туғилади.

Илмий нутқда қўшма гапларнинг энг маҳсулдор типи эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади. Эргаш гапли қўшма гапларда, қўпинча, илмий информация эргаш гап орқали баён қилинади, бош гаплар эса, асосан, фикрни кучайтириш, таъкидлаш функциясини бажаради.

Илмий нутқ услубида қўшма гапларнинг мураккаб кўринишларидан жуда кенг фойдаланилади. Бу ҳолат мураккаб қўшма гапларда мураккаб фикрнинг ифода этилиши, унинг бир неча фактлар ёрдамида турли томондан исботланиши, қайд қилиниши билан боғлиқдир.

Расмий нутқ услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларда синтактик қурилиш жиҳатидан стандарт нутқ бирликларининг мавжуд бўлишидир. Шунинг учун ҳам расмий нутқ матнлари учун, қўпинча, тайёр матнлардан фойдаланилади. Расмий нутқ услуби, бу – халқаро шартномалар, юридик қонунлар, иш қоғозлари каби ҳужжатлар услубидир. Расмий ҳужжатларнинг хилма-хиллиги уларда қўлланувчи синтактик конструкцияларнинг таркиб жиҳатидан ҳам турлича характерга эга бўлишини кўрсатади. Иш қоғозлари–ариза, тилхат, маълумотнома, тушунтириш хати, таклифнома, эълон кабиларда семантик ва синтактик сиқик, ихчам тузилган қўшма гап кўринишларидан фойдаланилади, бундай қўшма гапларнинг сўнгги компонентлари, қўпинча, бир составли гаплардан иборат кўрилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир нутқ услубининг ўзига хосланган қўшма гап турлари ҳамда мавжуд нутқ услубларининг ҳаммаси учун нейтрал бўлган қўшма гап турлари мавжуд бўлади. Оғзаки нутққа, асосан, боғловчисиз қўшма гап, илмий ва публицистик нутққа – эргаш гапли қўшма гап ва унинг мураккаб кўринишлари, боғланган қўшма гаплар эса бадий нутққа хос бўлади (Масалан, такрорий боғловчилар ёрдамида тузилган боғланган қўшма гаплар, асосан, бадий нутқда

қўлланади. Бошқа нутқ услубларида нисбатан кам қўлланади, чунки бундай қўшма гаплар ритмик, мелодик хусусиятлари билан алоҳида таъсирчанликка эга).

“Тил кишининг энг муҳим алоқа воситасидир”. Бинобарин, кишилар ўртасидаги алоқа-аралашув процессини уюштирувчи ижтимоий ҳодиса бўлган тилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Кишилар ҳар қандай шароитда ва фаолиятнинг барча соҳаларида алоқа қилиш жараёнида тилдаги лексик, фразеологик, грамматик ва фонетик воситаларни танлаш ва ишлатишда бир-бирларидан маълум даражада фарқ қиладилар. Умумхалқ тили доирасида тил воситаларининг бундай танлаб олиниши нутқнинг хилма-хил кўринишларининг пайдо бўлишига олиб келади. Нутқнинг бу хилма-хил кўринишлари нутқ услублари деб юритилади.

Нутқ услублари – ифода воситалари системасининг муайян алоқа доирасида мақсадга мувофиқ танлаш натижасида тарихан ташкил топган нутқ кўринишларидир.

Алоқа мақсади ва доирасининг тил воситаларини танлашга таъсирини расмий ҳамда хусусий хатлардан келтирилган қуйидаги қисқа кўчирмалар-парчалар қиёсида ҳам кўриш мумкин:

Ассалом, Элнуржон ака!

Минг-юз минг қатла шукур: хатингиз, хушхабарингиз келди. Бахтимизга ҳамиша саломат бўлинг. Аямлар айтишларича (ташвишланманг, сиҳатлари ойдек), бутингиз орасидан шамол ўтиб юрса бас эмиш. Гапга шаҳар берасиз. Лекин, Элнуржон ака, мен шунақанги ноқулай аҳволга қўйишингиз инсофдан эмас. Аямлар ҳадеб мактубингизни тўласича ўқиб беришимни қистайдилар. Қани айтин-чи, ҳалиги шўхлик аралаш эркаликларни, “ёмон йигит” эканингизга иқрорлигингизни қай юз билан ўқиб берай у кишига? Энди балсам сизда ҳам айёрлик мисқолидан анчагина бор экан шекилли... (Сарвар Азимов)

Бу хат ўзининг тузилиши, синтактик қурилиши, сўз танлаш ва ишлатиш ва бошқа лексик, грамматик хусусиятларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Хат икки севишган ёрдан бирининг жавоб мактуби бўлиб, унда сўз танлашда ва грамматик қурилишда жонли сўзлашув нутқига хос эркинлик сезилиб туради, эмоционал-экспрессив бўёқли сўзлар матн мазмунига самимийлик руҳини киритади.

Бу хат мисолида яна шуларни таъкидлаш мумкинки, кишилар тилдан у ёки бу алоқа доирасида фойдаланишда таркибий қисмлари бир-бирлари билан узвий боғланган ва бир бутунликни ташкил қиладиган ифода воситаларининг тузилишига онгли равишда риоя қилишга мажбур бўладилар.

Нутқ услубларининг ҳар бири алоҳида ягона бир системани ташкил қилади. Нутқ услубининг бир-бирига боғлиқ элементлар системасини ташкил қилиши алоқа-аралашув қуроли бўлган тилнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Тўғри, тилнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат составининг ҳар бири ҳам алоҳида бир системани, тилнинг эса яхлит ҳолда бутун бир системани ташкил этади. Тилнинг функционал услублари мана шу лексик, грамматик ва фонетик системаларга хос барча воситаларнинг маълум коммуникатив мақсадга кўра уюшиши туфайли бунёдга келади. У фақат муайян ҳодисалар состави билангина эмас, балки уларнинг боғланиши, алоқаси ва муносабатлари билан ҳам характерланади. Демак, нутқ услублари тилнинг вазифаси – функцияси билан бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар функционал услублар деб юритилади.

Функционал услубнинг умумхалқ тили хазинасидан танлаб олган воситалари айна шу услуб системасини ташкил қилади. Тилдаги бу услублик ҳодисалар тарқоқ характерда бўлмай, балки коммуникатив вазифаси ва умумий услуб бўёғи билан ўзаро алоқадор элементлар системасини ташкил этади.

Демак, тилнинг услуб системасини таърифлашда тил бирликларидан функционал-услубда бўёқ муҳим белги сифатида асосга олиниши керак. Экспрессив-услубда бўёқ эса, асосан, сўзларнинг ўзаро семантик муносабати туфайли содир бўлади. Буни, айниқса, бир синонимик қатордаги сўзларни таққослаганда яққол кўриш мумкин. Масалан, *жилмаймоқ*, *илжсаймоқ*, *иржсаймоқ*, *тиржсаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ* каби бир синонимик қатордаги сўзлар ўз услуб бўёғига кўра фарқлидир. *Жилмаймоқ* ва *илжсаймоқ* сўзлари услуб бўёғи жиҳатидан нейтрал ҳисобланади. *Иржсаймоқ*, *тиржсаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ* сўзлари салбий белгига эга. Бу салбий белги *иржсаймоқ* сўзига нисбатан *тиржсаймоқ* сўзида, *тиржсаймоқ* сўзига нисбатан *ишшаймоқ* сўзида, *ишшаймоқ* сўзига нисбатан *иршаймоқ* сўзида кучлироқ.

Баъзан якка ҳолда олинган сўз ва грамматик қурилиш услуб бўёғининг қайси услубга мансублигини аниқлаш ҳам қийин бўлади. Сўз ва грамматик қурилишнинг услуб бўёғи фақат маълум нутқ матнида бошқа элементлар билан бўлган муносабат ва боғланишда шаклланади. Бундай услуб бўёқ нутқ ситуациясида реаллашади. Масалан, *тулки* сўзи ёввойи ҳайвонларнинг бир турига нисбатан ишлатилса, услуб бўёғи нейтрал бўлади; одамга қарата “қув, айёр” маъносида қўлланса, бу сўз муайян услуб бўёқ касб этади.

Диалектал сўзлар ҳам адабий тил услублари системаси билан асосан оддий сўзлашув ва баъзан бадий нутқ услуби орқали муносабатда бўлади. Диалектал сўзлар ўз системаси доирасида, одатда, махсус услуб бўёққа эга бўлмайди. Аммо диалектизмлар адабий тилнинг муайян функционал услуб доирасига ўтиши билан ўша услубга мос ва мувофиқ келадиган услуб ва эмоционал бўёқ олиши, масалан, оддий сўзлашув услубига ёки поетик услубга хос бўёқ касб этиши ҳам мумкин. Оддий сўзлашув услубининг кўпгина хусусиятлари келиб чиқишига кўра диалектларга бориб тақалади. Луғатларда *алпоз*, *манот* (“сўм”), *ялпизламоқ* каби сўзларнинг бир йўла

шевага ҳамда сўзлашув тилига оидлик белгилари билан берилиши ҳам бежиз эмас⁴³.

Шуни ҳам айтиш керакки, нутқ услублари системасини ташкил қилувчи воситаларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги айти шу нутқ услубнинг асосий функцияси келиб чиқади. Масалан, илмий услубининг асосий функцияси-тиббий ва ижтимоий ҳаёт ходисаларини, у ёки бу фикрнинг логик исботини аниқ таърифлаш ва изохлашдан иборат. Илмий услубнинг мантикий характери унинг лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятларида ўз ифодасини топади. Бу услубда нарса ва ходисаларни аниқ белгилувчи ва тўғри маънода ишлатилувчи терминологик характердаги сўз, иборалар кўпчиликни ташкил қилади.

Нутқ услуби системасини ташкил қилувчи элементларнинг баъзилари бошқа бир услуб таркибида ҳам учраши мумкин. Лекин бу элементлар таркибий қисмларининг йиғиндиси айти бир услубга мансубликни кўрсатади. Масалан, илмий терминлар расмий, публицистик ва сўзлашув каби турли услубларда ишлатилиши мумкин, лекин уларнинг услуб жиҳатдан бир хил бўлган лексик, грамматик ва фонетик ходисалар билан боғланиб, бир бутун услубни ҳосил қилиши фақат илмий услуб таркибидагина рўёбга чиқади.

Демак, ҳар бир нутқ услуби ўзининг барча элементлари билан ягона ва алоҳида мақсад учун бўйсунган муайян тил воситалари комплексига эга. Шунга кўра, нутқ услуби – ифода воситаларининг мақсадга мувофиқ уюшган системасидан иборат дейиш мумкин.

Нутқ услублари тил тараққиётининг маълум даврида аста-секин шаклланади ва ўзгаришларга учрайди. Масалан, XX аср бошида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида нашриёт ва вақтли матбуот ишлари доирасининг кенгайиб бориши билан боғлиқ ҳолда ўзбек тилида публицистик услуби юзага келди. Ўзбек адабий тилидаги бу янги услубнинг лексик, фразеологик ва грамматик воситалари ривожини газета ва публицистик

⁴³ “Ўзбекско-русский словарь”, М., 1959, 32, 249, 572-бет

услубининг баракали таъсирисиз тасаввур қилиш қийин. Чунончи, 1903-1917 йиллардаги ўзбек адабий тили лексикасини махсус текширган профессор А.К.Боровковнинг кўрсатишича, бу давр вақтли матбуотида, айниқса сиёсий лексика ва фразеологиянинг ривожланишида таъсири жуда катта бўлди.

Нутқ услуби тушунчаси – оғзаки ва ёзма нутқ шакллари билан узвий боғлиқ. Бир нутқ услуби алоқа шаклларининг ҳар иккаласида ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, илмий услуб алоқанинг ёзма формасида ҳам (илмий китоблар, мақола, дарслик), оғзаки формасида ҳам (лекция, доклад ва бошқалар) учрайди. Сўзлашув услуби, одатда, кишиларнинг ўзаро оғзаки фикр алмашув муносабатларида ишлатилса ҳам аммо ундан ёзма нутқ алоқаларида, масалан, хат, кундалик, эсдалик кабиларда ҳам фойдаланилади. Шунини ҳам айтиш керакки, нутқ услублари алоқа формаларининг ифода воситаларини танлашга бўлган маълум таъсирини инкор қилмагани ҳолда, ҳамма вақт ўзларининг асосий белги-хусусиятларини сақлайди. Масалан, ёзма алоқа формасида сўзларни эътибор билан танлаш ва нутқни грамматик жиҳатдан аниқ шакллантириш туфайли фикрни яна ҳам равшан ва тушунарли ифодалашга эришилади.

Тилда турли нутқ услубларининг мавжудлиги умумхалқ тили бирлигини инкор этмайди. Ҳар қандай сўз қайси усулда қўлланмасин, у умумхалқ тили луғатига мансуб бўлади. У ёки бу нутқ услубида ишлатиладиган ҳар қандай грамматик конструкция тил грамматик системасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу тилда сўзлашувчилар вазият ва алоқа характериға қараб тилда мавжуд бўлган нутқ услубларининг бирортасидан фойдаланади. Барча нутқ услублари шу тил эгасининг умумбойлиги саналади. Масалан, расмий ишлар доирасида сўзлаётган ёки ёзаётган киши расмий услуб нормаларига риоя қилишга ҳаракат қилади; илмий фаолиятда эса илмий услуб нормаларига риоя қилишга интилади.

Нутқ услублари ўзларига хос белги ва фарқлардан қатъи назар, адабий тил нормалари асосида умумийликка эга. Адабий норма тилнинг товуш системасини, грамматик қурилиши ҳамда унинг луғат составидаги энг типик ҳаётӣ ва зарурий элементларни танлаб олиш асосида ташкил топади. У тилнинг энг юксак, ишланган, силлиқлашган формасидир. Адабий нормалар фақат ёзма адабий тил учунгина тааллуқли бўлмай, у оғзаки адабий тил учун ҳам зарурий ҳолатдир. Шунинг учун адабий тилнинг оғзаки формасида (доклад ва лекциялар, радио ва телевидениедаги чиқишлар, жонли суҳбатлар) ҳам адабий нормага бўйсунилади, унинг қонун-қоидаларига риоя қилинади.

Функционал услублар нутқ кўринишларининг асосий функцияларига (алоқа-аралашув; таъсир этиш воситаси бўлишига) мувофиқ қисмларга бўлинишидир. Шунга кўра адабий тилнинг қуйидаги функционал услублари ажратилади: 1) сўзлашув услуби; 2) расмий услуб; 3) илмий услуб; 4) публицистик услуб 5) бадиий услуб

Тилнинг бу функционал услублари инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасига мос келувчи умумхалқ адабий тилининг турли хил кўринишларидир. Функционал услубларни номлаш ва аташ ҳам уларнинг қандай алоқа доирасида ишлатилганлигига қараб белгиланади. Чунки бир хил нарса ва ҳодислар ҳақидаги фикрлар турли хил услубларда бирдек баён қилинмайди.

2.2. Оғзаки ва ёзма нутқда қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар

Оғзаки нутқ услуби ўзининг шакл жиҳатидан ранг-баранглиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Оғзаки нутқда фикр ифодаси ҳам хилма-хил. Унда фикрни кўпинча жуда қисқа жумла ва ифодаларда беришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун оғзаки нутқда содда гап ва унинг турларидан жуда унумли фойдаланилади. Лекин оғзаки-сўзлашув услубида қўшма гапнинг бир қатор турлари ҳам ишлатилиши табиий ҳол. Оғзаки нутқда ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган қўшма гаплар ҳам фикр ифодалашнинг энг муҳим элементларидан бири сифатида эътироф этилади. Буни текшириш учун сўзлашув услубидаги матнларни иккига ажратиб, уларнинг ҳар бири мисолида кўриб чиқиш масаланинг муайян тартибини белгилаб беради:

1. Оддий сўзлашув услубида ишлатиладиган ҳавола бўлакли қўшма гаплар.
2. Адабий сўзлашув услубида ишлатиладиган ҳавола бўлакли қўшма гаплар.

Оддий сўзлашув услубида нутқ асосан диалогик шаклда бўлгани учун қўшма гаплар ишлатилиши анча чегараланган. Унда кўпроқ содда гапнинг бир бош бўлакли, тўлиқсиз, сўз гап сингари турлари кенг ишлатилади. Лекин айрим ҳолларда қўшма гап турларидан ҳам фойдаланилади. Аммо бунда қўшма гап компонентлари ҳам содда гапнинг бир бош бўлакли, тўлиқсиз гап каби турларидан иборат бўлади. Масалан:

1. *Қаёққа қарама, иш.*
2. *Қачон чақирсанг, бораман.*
3. *Нимани ушласа, олдиради.*
4. *Ким кўринса, эргашади.*

Бу гаплар тузилишига кўра ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган қўшма гаплардир. Улар таркиби одатдагича эргаш гап + бош гап тарзида шаклланган ва компонентлари шарт майли шаклидаги феъл ёрдамида бириккан. Оддий сўзлашувда нутқ қисқалигига интилиш кучли бўлгани

учун берилган кўшма гапларнинг биринчи компоненти бир бош бўлакчи гаплардан тузилган. Мазмунига кўра биринчи гап – ўрин эргаш гапли кўшма гап, иккинчиси – пайт эргаш гапли кўшма гап, учинчи ва тўртинчиси – тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гаплардир. Барчасида иккинчи компонентнинг нисбий сўзи туширилган, аммо гап мазмунидан улар англашилиб турибди. Биринчи гапда – ўша ерда, иккинчиси – ўшанда, учинчиси – ўшани, тўртинчиси – ўшанга. Бу оддий сўзлашув услубида ишлатиладиган ҳавола бўлакчи кўшма гапларнинг ўзига хос услубий хоссаларидан биридир. Мазкур услубда бундай гапларнинг яна бир кўриниши кенг ишлатилади:

1. ***Ким хоҳласа, ўша*** (эга эргаш гапли кўшма гап).
2. ***Нимани сўрашса, ўшани*** (тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап).
3. ***Қаёққа чақирса, ўша ёққа*** (ўрин эргаш гапли кўшма гап).
4. ***Қанча сўрашса, ўшанча*** (микдор-даража эргаш гапли кўшма гап).

Бу гапларнинг юқоридаги мисоллардан фарқи шундаки, уларнинг иккинчи компоненти фақат нисбий сўзлар орқали ифодаланган тўлиқсиз гаплардан иборат. Албатта, бундай гапларнинг мазмуни диалогик характердаги матнда реаллашади. Масалан:

–Эртага далага ким чиқади?

–***Ким хоҳласа, ўша.***

Адабий сўзлашув услуби оддий сўзлашув услубидан маълум даражада меъёрлаштирилгани билан фарқ қилади. Радио эшиттиришлари, телевидениея кўрсатувлари ва айрим йиғилишлар ана шу услубда олиб борилади. Бу услубда ишлатиладиган ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган кўшма гаплар сўзловчининг адабий тилни қай даражада билиши ва ўз нутқида ундан қай даражада истифода эта олиши билан боғлиқ бўлади.

1. Ўртоқлар, биз бу ишга қанча тез киришсак, ўшанча яхши (нотик нутқидан).

2. Сизга қайси эшиттиришларимиз ёққан бўлса, ўшалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз (радио эшиттиришдан).

3. Рақиб ҳужумчиси қаерда бўлса, ҳимоячимиз ўша ерда тайёр туриши керак... (футбол интервьюсидан)

Баъзан радио эшиттиришлари ёки телекўрсатувларда олиб борувчилар ёки интервью берувчиларнинг ўз нутқларига шева элементлари қўшиб гапиришларининг гувоҳи бўламиз. Бунда, албатта, оддий сўзлашувдаги тил бирликларидан фойдаланиш ҳоллари кўпроқ кўзга ташланади.

Адабий сўзлашув услуби бошқа услублар билан қоришиб кетиш хусусиятига эга бўлгани учун, айрим жиҳатларига тўхталиб ўтишни лозим топмадик.

Маълумки, ёзма-китобий нутқ 4 хил бўлади: бадий, илмий, публицистик ва расмий нутқ. Бадий нутқ жуда кенг қамровли эканлиги билан бошқа нутқ услубларидан ажралиб туради. Мисоллар тахлили шуни кўрсатадики, бадий нутққа хос бўлган ҳавола бўлакли қўшма гаплар мазмунан дидактик характерда бўлади ва алоҳида кенгроқ ўрганишни талаб этади. Шунинг учун бу ўринда биз бир-икки мисол келтириш билан чегараланамиз:

Дунёда ноҳақлик қанча камайса, тухмат барҳам шунча яхши (Шухрат). Бу парча бир неча эргаш гапли қўшма гап бўлиб, икки эргаш гап (даража-миқдор) ва бир бош гапдан ташкил топган. Эргаш гаплар бош гап таркибидаги “шунча” – даража-миқдор ҳолининг, маъносини очиб берган. Бу гапда “қанча”- “шунча” сўзлари ҳавола бўлак вазифасини бажарган.

Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби икки асосий турга ажратилади: адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби.

Адабий сўзлашув услуби тилнинг адабий нормаларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан характерланади. Унинг тили содда жаргон ва шева элементларидан холидир. Адабий сўзлашув услуби ўз адабий тилини билган кишилар учун таниш ва маълум бўлган асосий

услуг хисоланади. Тилнинг адабий сўзлашув услуги кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қилади: мактабларда ва ўқув юртларида ўқитиш ишлари шу услубда олиб борилади, ундан бадиий адабиётда жуда кенг фойдаланилади. Қисқаси, адабий сўзлашув услуги умумхалқ адабий тилининг энг кенг ва универсал туридир.

Оддий сўзлашув услуги учун эса бетакаллуфлик билан эркин муомала – алоқа қилиш характерли хусусиятдир. Унда сўзлашув нутқига хос эмоционаллик яққол сезилиб туради. Бу ҳол, айниқса, унинг синтактик қурилишида, луғат бойлигидан сўз танлашида яққол кўринади. Оддий сўзлашув услуги таркибига содда тилга хос элементларни, яъни у ёки бу даражада тилнинг адабий нормаларига мос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик ҳодисаларни киритиш мумкин.

Сўзлашув услубининг бу икки тури ўзининг бир қатор грамматик, лексик-фразеологик ва фонетик хусусиятларига эга.

Сўзлашув усулида, бир томондан, умумадабий тилга хос, иккинчи томондан, оғзаки нутққа хос талаффуз хусусиятларини кўриш мумкин.

Нутқнинг характер ва хусусиятларига кўра талаффуз нормаларини икки типга ажратиш мумкин. Биринчи тип талаффуз нормаси лекторлар, актёрлар, дикторлар, нотиклар нутқи учун характерли бўлиб, адабий тил нормаларига риоя қилишни талаб этади, унда ҳар бир сўз аниқ, дона-дона талаффуз қилиниши шарт.

Талаффузнинг иккинчи тип нормаси эса, асосан, сўзлашувда, оғзаки нутқда учрайди. Сўзлашув усулида умумистеъмолдаги адабий-нейтрал сўзларни талаффуз қилишда бирмунча эркинлик сезилиб туради. Сўзлашув усулида мансуб сўзлар кўпинча амалдаги адабий-норматив шакллардан фарқланувчи ёки унга қарама-қарши келувчи фонетик белгиларга эга. Бунинг қуйидаги кўринишлари мавжуд.

1. Сўз таркибидаги товушларнинг ўрнининг алмашилиши: *қийгир, налат, шарпа, ўпирмоқ* сўзлари талаффузга кўра жонли сўзлашувга хос

бўлиб, уларнинг адабий талаффуз формаси *қирғий, лаънат, шарпа, ўтирмоқдир*.

2. Сўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши: *қуфламоқ* (кулфламоқ), *ташамоқ* (ташламоқ), *кўкартмоқ* (кўкартирмоқ), *барикарам* (баргикарам).

3. Бирор товушнинг орттирилиши: *чечмоқ* (ечмоқ), *камчин* (камчи), *қорчаллон* (корчалон), *янгитдан* (янгидан).

4. Товуш алмашиниши: *бўқоқ* (букоқ), *мўнчоқ* (мунчоқ), *кўмирчак* (кемирчак), *кўйнак* (кўйлак), *таннов* (тарнов), *қамич* (камиш), *нусқа* (нусха), *қалмоқ* (қармоқ), *қимилламоқ* (қимирламоқ), *тиқиллатмоқ* (тиқирлатмоқ), *бойламоқ* (боғламоқ), *махтамоқ* (мақтамоқ) ва бошқалар.

5. Аффикслар қўшилиши натижасида ўзак-негизларда ҳосил бўладиган қисқартмалар: *опти* (олипти), *кепти* (келибди), *опкепти* (олиб келибди).

Талаффузнинг бу усулига хос кўринишларидан бадиий адабиётда оғзаки нутқни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида фойдаланилади.

Сўзлашув услубида тасвирий сўзлардан ясалган феъллар ҳам кўп ишлатилади. Масалан: *акилламоқ, бобилламоқ, валдирамоқ, дўнгилламоқ, мингилламоқ, пўкилламоқ, пўнгилламоқ, тўнгилламоқ, тингилламоқ* каби. Камситиш, менсимаслик, умуман бетакаллуф муомалада ишлатиладиган бундай бирликлар товуш ва образ билан боғлиқ бўлган ҳаракатни ифодалайди ҳамда шу ҳаракатнинг бевосита атамаси бўлади.

Сўзлашув услубида кенг тарқалган ҳодисалардан яна бири от туркумидаги сўзларни қисқартириб ишлатишдир. Масалан, куйидагига қисқартмалар жонли тилимизда кенг ишлатилади: *мил-мил* (миллион-миллион), *кило* (килограмм), *гидро* (гидростанция).

Оддий сўзлашув нутқида умумистеъмолдаги кўпгина адабий нейтрал сўзлар кўчма маънода ҳам қўлланади. Оддий сўзлашув нутқида хос маъно касб этган бундай сўзлар адабий тилдаги маъно хусусиятларига

нисбатан алоҳида образлиликка ва экспрессив бўёққа эга эканликлари билан ажралиб туради.

Сўзлашув усулидаги эмоционал-экспрессив лексика ўз маъносига кўра нутқ усулларининг барчасида ишлатиладиган адабий-нейтрал лексика билан ўзаро муносабатда, боғланишда бўлади. Бир предмет ва ҳодиса кўпинча ўзаро маънодош сўзлар, лексик синонимик воситалар ёрдамида ифодаланади. Сўзлашув усулида нарса ва ҳодисани унинг турли хил кўшимча семантик ва эмоционал-экспрессив белгилари билан ифодаловчи лексик воситалар жуда кенг қўлланилади. Қўшимча эмоционал-экспрессив белгига эга бўлган синоним сўзларни кўплаб ишлатиш асосан оддий сўзлашув усули учун хос хусусиятдир. Масалан, *хунук* сўзи маъноси билан бирлашувчи *бадбашара, бадбуруш, бадқовоқ, тасқара, тавия, тараққос* синонимик қаторда сўнгги икки сўз, асосан оддий сўзлашув усулига хос. *Соқов* сўзи атрофида уюшга *тилсиз, гунг, гунгалак* сўзларидан сўнггиси сўзлашув тилига мансуб. *Бечора, шўрлик, бояқиш* сўзлари ҳам нутқда ишлатилиши жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Булардан *бояқиш* сўзи кўпроқ сўзлашув усулига хос. “Бирор иш-ҳаракатни ўрнига қўймоқ”, “қойил қилиб бажармоқ” маъноси билан бирлашган *бопламоқ, дўндирмоқ, ўринлатмоқ* феъллари, асосан, оддий сўзлашув усулида ишлатилиши билан фарқланади. *Қотирмоқ, ўхшатмоқ* феъллари эса ўзларининг кўчган маъноларида оддий сўзлашув усулига хос маъно касб этади.

Синонимик муносабат сўзлардагина эмас, фразеологик бирикмаларда ҳам мавжуд. Лекин фразеологик синонимлар нутқ кўринишларига хосланганлиги жиҳатдан у қадар кўп ва ранг-баранг эмас, улар асосан сўзлашув нутқида ва қисман бошқа нутқ кўринишларига хос. Масалан (олдинги қатор иборалар умумнутққа хос, кейингилари сўзлашув нутқида хос иборалар; уларнинг чегараси тире билан ажратилган): “*лом-мим*” *демаслик – чурқ этмаслик; мияси говлаб кетди – калласи говлаб кетди; таъби хира – таъби номозшов; дунёдан ўтмоқ – жон бермоқ.*

Сўзлашув усулининг ишлатилиш шароитлари, интонация ва имо-ишора сингари воситалардан фойдаланиш ҳамда фикр ва баённинг асосан кундалик турмуш характериغا эга бўлиши, одатда, гап тузишнинг жуда мураккаб грамматик конструкциялари талаб қилмайди.

Сухбатда (неча киши иштирок этишидан қатъи назар) сўзловчи ва тингловчининг воқеликка муносабати маълум шароитда нутқ вазиятидан, ситуациядан билиниб туради. Ситуация сухбатдошларнинг нутқига аниқлик киритади, уни тўлдиради, фикрнинг тўла реаллашувига кўмаклашади. Сухбатдошлар хоҳ содда, хоҳ мураккаб фикрни ифода этсинлар, улар ҳамма вақт сухбат ситуациясига суянадилар. Сўзловчи ўз сухбатдошига ниманидир кўрсатиши, ниманидир интонация орқали тушунтириши ёки ниманидир мимика, кўз, қўл, бош характерли хусусиятдир. Бунда паралингвистик воситалар (имо-ишора, кўз, қўл, бош ҳаракатлари кабилар) ҳам алоҳида рол ўйнайди.

Сухбат ситуациясида диалог муҳим рол ўйнайди. Агар диалоглар савол-жавоб характерида бўлса, жавоб тўлиқсиз гап формасида бўлади. Бундай гапларда яширинган муайян бўлак сухбатдошлар нутқидаги олдинги ва сўнгги жумлалар мазмунидан англашилиб туради. Умуман, фикрни ихчам ифодалаш мақсадида жуда зарур бўлмаган гап бўлагини такрорламаслик – “тушириб қолдириш” жонли сўзлашув тили учун характерлидир. “Тўлиқсиз гапнинг жонли тилда кўп учрашининг бир сабаби сўзлаш пайтидаги вазиятнинг, ситуациянинг, мимика ва турли имо-ишораларнинг фикрни ихчам англатишга имкон беришидир. Улар айтилмаган – ифодаланмаган бўлакнинг компенсациясидир”.

Морфологик система миллий тилнинг барча нутқ усуллари учун ягона ва умумий бўлади. Морфология соҳасида сўзлашув усулининг ўзига хос хусусияти жуда оз даражада сезилади. Нутқ усуллариининг морфологик жиҳатдан фарқи, асосан, у ёки бу морфологик элементларни ортиқ ёки кам ишлатишдагина кўринади. Чунончи, ҳолат оти ясовчи –чилик, -гарчилик мураккаб аффикси сўзлашув усули учун характерли бўлган отлар ясайди.

Масалан ((қавсдан ташқарида берилган отлар сўзлашув нуткига хос, қавснинг ичида берилганлари шу отнинг адабий тилдаги формаси): *хафагарчилик* (хафалик), *муттаҳамгарчилик* (муттаҳамлик), *табибгарчилик*, *табибчилик* (табиблик), *шерикчилик* (шериклик), *юзакичилик* (юзакилик), *динчилик* (диндорлик), *тилёғламачилик* (тилёғламачилик).

Сўзлашув усулининг ўзига хос хусусиятлари феълнинг баъзи формаларининг ишлатилишида ҳам кўринади. Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда феълнинг –и(б) эди формаси оғзаки нутқда –увди, -овди тарзида талаффуз этилади, деб кўрсатилади. Талаффуздаги бу ҳолат тўлиқсиз феълнинг бу формасини оғзаки нутққа хос қилиб қўяди. Мисоллар: *эгардан иргитиб юборишларига сал-пал қолувди. (Ш.Рашидов). Шаҳардан келишимда йўлни қисқартириш учун қир орқали юриб... шу йўлдан келувдим (У.Назаров).*

–р эди формасида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Сўзлашув усулига хос бу формадан бадиий асарларда жонли тилни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида кенг фойдаланилади.

Булардан ташқари, феъл формалари қўлланиш частотаси жиҳатидан ҳам бирор усулга хосланган бўлади. Масалан, бўл кўмакчи феълнинг –ган аффикси билан ясалган сифатдошларга қўшилиб келиши туфайли ҳосил бўлган: *овқатдан бир оз еган бўлди, бир-икки оғииз гапирган бўлди, у ёқ-бу ёқни кўрган бўлди* каби формалари айниқса жонли тилда кўп учрайди. Ҳудди шунингдек, феълнинг иккинчи шахси учун –нг+из+лар ва –нг+лар формалари қўлланилади: *бордингизлар* ва *бординглар* (-из ўрнига -лар). Булардан кейинги форма жонли тилда жуда кўп ишлатилади. Жонли тилда кенг қўлланишига кўра буларни сўзлашув усулига хосланган формалар дейишимиз мумкин.

Сўзлашув усулида сифатлардаги субъектиб баҳо формаларида (*Ойдеккина экансан-у олабайроқ кийимларга бало борми?*) (С.А.), феъллардаги ҳаракатнинг миқдорий белгисини ифодаловчи формалар (-

(и) мсира, -(и)қира) кенг қўланади: *қулимсирамоқ, йиғламсирамоқ, оқаринқирамоқ, илжайинқирамоқ* каби.

Боб бўйича қисқача хулоса

Синтактик услубият, шу жумладан қўшма гаплар услубияти масаласи тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири саналади. Бу борада жаҳон ва ўзбек тилшунослигида бир қатор ишлар қилинган. Жумладан Алижон Мамажоновнинг “Қўшма гап услубистикаси” рисоласи ҳам айнан ана шу муаммони ёритишга қаратилган.

Биз мазкур ишимизда ҳавола бўлақлар (нисбий олмошлар) ёрдамида шаклланган қўшма гапларнинг нутқ услублари бўйича хосланиши масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Чунки биз кўздан кечирган илмий манбаларда бу масалага батафсил ўрганилган ҳолатга дуч келмадик. Олимнинг фикрича, Нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплар оғзаки нутқда кўп учрайди. Бундай қўшма гапларда нисбий олмошлар компонентларни бириктириб турувчи ҳалқа вазифасини бажаради ва изоҳ талаб қилинади. Бундай вақтда изоҳлаш функциясини бажариш эргаш гап зиммасига юклатилади.

Бу муаммони қуйидаги тартибда кўриб чиқишни маъқул кўрдик:

1. Оғзаки нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлақ ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.

2. Бадиий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлақ ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.

3. Илмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлақ ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.

4. Расмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлақ ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.

5. Публицистик нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлақ ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар.

Нутқ услублари тил тараққиётининг маълум даврида аста-секин шаклланади ва ўзгаришларга учрайди. Масалан, XX аср бошида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида нашриёт ва вақтли матбуот ишлари доирасининг кенгайи бориши билан боғлиқ ҳолда ўзбек тилида публицистика услуби

юзага келди. Ўзбек адабий тилидаги бу янги услубнинг лексик, фразеологик ва грамматик воситалари ривожини газета ва публицистик услубининг баракали таъсирисиз тасаввур қилиш қийин.

Тилда турли нутқ услубларининг мавжудлиги умумхалқ тили бирлигини инкор этмайди. Ҳар қандай сўз қайси усулда қўлланмасин, у умумхалқ тили луғатига мансуб бўлади. У ёки бу нутқ услубида ишлатиладиган ҳар қандай грамматик конструкция тил грамматик системасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Оғзаки нутқда ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган қўшма гаплар ҳам фикр ифодалашнинг энг муҳим элементларидан бири сифатида эътироф этилади. Буни текшириш учун сўзлашув услубидаги матнларни иккига ажратиб, уларнинг ҳар бири мисолида кўриб чиқиш масаланинг муайян тартибини белгилаб беради:

1. Оддий сўзлашув услубида ишлатиладиган ҳавола бўлакли қўшма гаплар.
2. Адабий сўзлашув услубида ишлатиладиган ҳавола бўлакли қўшма гаплар.

Ш БОБ. Ёзма нутқда қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар

3.1. Бадиий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар

Маълумки, бадиий нутқ икки шаклга эга: оғзаки ва ёзма бадиий нутқ. Оғзаки нутқ асосида яратилган бадиий асарлар халқ оғзаки ижоди деб юритилса, ёзма нутқ асосида яратилган бадиий асарлар ёзма адабиёт намуналари сифатида эътироф этилади. Бадиий нутқда ишлатиладиган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гапларни ўрганишда ана шундан келиб чиққан ҳолда уни дастлаб иккига бўлишни лозим топдик.

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида ишлатилган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплар:

Маълумки, халқ оғзаки ижоди мақол, топишмоқ, латифа, лоф, аския, асотир (миф), афсона, ривоят, эртак, достон, қўшиқ каби бир қатор жанрларни ўз ичига олади. Бу жанрлардаги асарларда бошқа типдаги гаплар билан бирга нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплардан ҳам муайян даражада фойдаланилади.

Халқ мақоллари адабий тилимизнинг битмас-туганмас манбаларидан бири сифатида жуда катта маърифий-эстетик қимматга эга. Мақолларда халқ тилига хос соддалик, қисқалик ва полисемантиклик мужассамлашган. Мақоллар матнида қўшма гапларнинг унчалик мураккаблашмаган тури кенг ишлатилади. Шу жумладан нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплар ҳам учраб туради. Чунки қўшма гапнинг бу тури ифодаланаётган фикрнинг энг нозик жиҳатларича очиб бера олиш имкониятини беради. Масалан: *Нима эксанг, шуни ўрасан.*

Халқ мақолларида бу типдаги гапларнинг кенгроқ таркибда ишлатилганлари ҳам учраб туради: Қозонда нима бўлса, чўмичга ўша чиқади. Кимнинг дили тўғри бўлса, унинг сўзи тўғри бўлади. Кимки бўлса дилозор, Ундан элу юрт безор.

Топишмоқлар ҳам мақоллар сингари кичик ҳажмдаги жанр бўлгани учун уларда ҳам нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гапларнинг унчалик катта бўлмаган туридан фойдаланилади:

1. Ким суялди, ўша уялди (ёлгон гап). 2. Неки айтсанг, ёзади қозғоз қаламсиз чаққон (магнитофон). 3. Қайга борсак, борада Бизнинг босган из билан (соя). 4. Қирда қизил шапкали Би унгурда туради. Кимки олдидан ўтса, Унга салом беради (лола). 5. Жуда тиниқ сув каби, Ярақлайди кўзингга. Қандай бўлса, шу ҳолда Кўринасан кўзингга (кўзгу).

6. Тиниқлиги сувга ўхшар, Неки боқса, акси тушар. Ўзи қаттиқ темир эмас, Кўзгацангиз қимир этмас (кўзгу).

Халқ эртаклари таркибида ҳам нисбий олмошли эргаш гапли кўшма гап айрим турлари учраб туради: Унинг бир шеърий топишмоғи бор бўлиб, *кимки топишмоғимнинг жавобини айтиб берса, ўшанга тегаман. Кимки тополмаса, жаллодга калласини олдираман*, дер экан. (*“Соҳибжамол”*). *Ўртанча ботир қаёққа юрса, аждарҳо ҳам ўша ёққа юра бошлабди (“Уч ога-ини ботирлар”)*. Болам, бир қўй гўштини солиб кўйсанг, бир йилгача қирқ қозонда қирқ хил таом пишиб туради. *Қайсини хоҳласанг, ўшани ейсан (“Гулиқаҳқаҳ”)*.

Халқ дostonларида учрайдиган кўшма гаплар орасида нисбий олмошли кўшма гаплар нисбатан камроқ. Кўпинча, улар эртаклардаги каби шартлар кўйилган лавҳаларда ишлатилади: *1. Ҳар ким мени оламан деб келса, олдига нард ўйинини қўяман, ўйнайман, утса тегаман, утдирса сўяман (“Кунтуғмиш”). 2. Ҳар ким Холбека деб айтса, олти ой зиндонда боқтираман, суягини тошга чақдираман, терисини тириклай сўяман, ичига сомон тиқдираман, икки кўзини ўяман, тепасига мойни қуяман (“Кунтуғмиш”).*

Халқ дostonларида қўлланган нисбий олмошли кўшма гаплар тузилишига кўра мураккаблиги билан бошқа матнлардаги гаплардан фарқ қилади.

2. Бадиий нутқда қўлланувчи нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплар:

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бадиий нутқ услубига хос бўлган хавола бўлақлар ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар мазмунан дидактик характердаги асарларда кенгрок ишлатилади. Чунки бундай эргаш гапли қўшма гаплар дидактик мазмунни ифодалашда анча кенг имкониятларга эга. Дидактик асарларда уларнинг шаклий ва мазмуний тузилишига кўра бир неча туридан самарали фойдаланиш мумкин. Буни биз Унсурмаолий Кайковуснинг Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимасидаги “Қобуснома” асари мисолида кўриб чиқишни лозим топдик. Текширишларимизга караганда асарда йигирмадан ортиқ нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гап ишлатилган. Улар шаклий тузилишига кўра эга, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол эргаш гаплардир.

Асарда ишлатилган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган эга эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап одатдагидай бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган эганинг маъносини конкретлаштиради. Баъзи ҳолларда бош гапдаги эга ифодаланмай қолган. Асарда бундай гапларнинг ҳар иккала тури ҳам мавжуд. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, “Қобуснома”да эргаш гап таркибида ишлатиладиган “*қайси*” олмоши ўрнига деярли барча ўринларда “*ҳар*” олмоши қўлланган. Бу эски ўзбек адабий тили учун меъёрий ҳол бўлиб, тез-тез учраб туради. Масалан Бобурнинг “*Ҳар ишники қилдим, хатолиғ бўлди*” гапидаги “*ҳар*” олмоши ҳам “*қайси*” олмошининг синоними сифатида ишлатилган. Қиёсланг: *Қайси ишни қилсам, у хатолик бўлди*. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган “*кимки*” ва “*нимаики*” бирикмалари ишлатилган “Қобуснома” тилида ҳам айнан шу ҳолнинг гувоҳи бўлдик:

Ҳар фарзандки оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағай. 30-бет. *Ҳар кишики* бундоқ қилса, тезда халқнинг орасида азиз ва улуғ бўлғай. 36-бет. *Ҳар кишиким* ўз

баданини ўзига мутеъ қилса, ўзгалар баданини ҳам мутеъ қила олур. 37-бет. Менинг хизматимга **ҳар кишиким** келмиш эрди, менинг марҳаматимдан баҳравар бўлур эрди. 47-бет. **Ҳар нарасаки** таъби латифликдин пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур. 62-бет. **Ҳар кишиким** харжини дахлидан оз қилса, ҳеч вақт қашшоқ бўлмағай. 73-бет.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, асарда учрайдиган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган эга эргаш гапли кўшма гапларда бош гапдаги эганинг қўлланилиши жуда кам учрайдиган ходисадир. Асарда келтирилган фақат бир гап таркибида эга “ул” ишлатилганлиги фикримизнинг далилидир. Бундай кўшма гапларда эргаш гап бош гапга одатдагидай шарт майлидаги феъл шакли (-са) ёрдамида бириккан.

Нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гаплар ҳам асар таркибида нисбатан кенгроқ ишлатилган. Улар таҳлили шуни кўрсатдики, эргаш гаплар асосан бош гапдаги ифодаланмай қолган воситасиз тўлдирувчини изоҳлаган. Фақат бир ўринда “қандай” нисбий олмоши вазифасида “**ҳар нечук**” бирикмаси, “**нима**” нисбий олмоши ўрнида эса “**ҳар на**” бирикмаси ишлатилган. Бошқа бир гапда эса эргаш гап таркибидаги “**ҳар**” нисбий олмоши “**қайси**” эмас “**қандай**” тушунчасини ифодалаган:

Дунёдан **ҳар нимаики** ҳосил қилдим, сенинг олдинга кўйдим. 28-бет... тилга **ҳар нечук** сўзни ўргатсанг, шуни айтур... 32-бет...энди худои таоло **ҳар на** хоҳласа, **ани** кўргумдур. 34-бет. Агар **ҳар кишини** турмуш устоди доно этмаса, ҳеч бир доно **анга** сўз ўргатиш учун ранж чекмасун. 48-бет... **ҳар** сўз десанг, халқдин **ани** эшитурсан ва **ҳар** иш қилсанг, улусдин **ани** кўрурсан. 62-бет. **Ҳар ким** қочса, **ани** қаттиқ қувмағил. 72-бет.

Нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплар таҳлилида ҳам юқоридаги фикрларни билдириш мумкин. Улар таркибида ҳам бирикиш феълнинг шарт майли шакли ёрдамида

амалга оширилган бўлса, “хар” нисбий олмоши “қайси” ва “қандай” олмошларининг синоними сифатида ишлатилган:

Хар кишиким ўзидин дод берса, доди мустағни бўлур. 35-бет. Эй фалони, *хар нарсаки* оламда бордур, сен *унинг* барчасин билурсан. 39-бет. *Хар кишиким* куёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур. 68-бет...сен ота-онанг ҳақида *нима* иш қилсанг, фарзандинг ҳам сен ҳақингда *шундоқ* иш қилур...30-бет.

Шу ўринда айтиш мумкинки, тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гаплардаги нисбий сўзларнинг ўзаро мослашмаслик ҳоллари кўзга ташланади. *Хар ким* қочса, *ани* қаттиқ қувмағил. Эй фалони, *хар нарсаки* оламда бордур, сен *унинг* барчасин билурсан каби гапларда бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Юқорида келтирилган эга, тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гапли кўшма гапларнинг барчаси мазмунан содда гапга синоним бўла олади. *Менинг хизматимга хар кишиким келмиш эрди, менинг марҳаматимдин баҳравар бўлур эрди – Хизматимга келган киши марҳаматимдан баҳравар бўлар эди. ...тилга хар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур – Тил ўргатилган сўзни айтади. Хар кишиким куёш чиққанча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур – Куёш чиққунча ухлаган кишининг ризқи кам бўлади.*

Асар таркибида ишлатилган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган ҳол эргаш гапли кўшма гапларда “*хар*” олмошининг вазифаси ўзгарган. Бундай гапларда у “*қанча*” нисбий олмоши билан биргаликда ишлатилиб маънони кучайтириш функциясини бажарган. Баъзи гапларда бу функция “*на чоғлиқ*” бирикмаси зиммасига юклатилган. Бош гап таркибида даража-миқдор ҳоли вазифасини бажарган нисбий олмош бир гапдан ташқари барча гапларда ишлатилган. Яна шуни таъкидлаш керакки, бундай гаплар таркибида “*шунча*”, “*шунчалик*” олмошлари ўрнида “*шу миқдор*”, “*ул миқдор*” бирикмалари қўлланган. Нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган пайт эргаш гапли кўшма гап асар таркибида фақат

бир ўринда учради. Унда **“қачон”** нисбий олмошининг ўрнида **“ҳар вақт”** бирикмаси қўлланган ва бош гапдаги нисбий сўз (ўша пайтда) тушириб қолдирилган:

Дарахтни **ҳар қанча** яхши тарбият қилсанг, меваси **шунча** яхшироқ ва ширинроқ бўлур. 30-бет... қарилар **қанчалик** йигитлик орзуида бўлсалар, йигитлар ҳам бешак қарилар орзудадурулар. 51-бет. Сенинг кўзингга у **ҳар қанча** яхши кўринса ҳам, ўзгаларнинг кўзига **шу миқдор** ёмонроқ кўринур. 65-бет... молинг **қанча кўп** бўлса, ани **шунча** тақдир ва тадбир била яратғил. 73-бет. Аммо дахлинг **на чоғлиқ** бўлса, харжинг ҳам **ул миқдор** бўлсун. 73-бет. **Ҳар вақт** меҳмонларинг уйингга оёқ қўйсалар, сен барча одамларинг билан уларнинг олдиға чиқғил...58-бет.

Асарда ишлатилган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган эга эргаш гапли қўшма гаплар мазмуний тузилишига кўра икки турга ажратиш мумкин:

а) шахс тушунчасини ифодалаган эга эргаш гапли қўшма гаплар: **Ҳар фарзандки оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағай.**

б) нарса-буюм тушунчасини ифодалаган эга эргаш гапли қўшма гаплар: **Ҳар нарсаки таъби латифликдан пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур.**

Нисбий олошлар ёрдамида шаклланган тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларни ҳам мазмунан шу турларга ажратиш мумкин:

а) шахс тушунчасини ифодалаган тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар: **Агар ҳар кишини турмуш устоди доно эмаса, ҳеч бир доно анга сўз ўргатиш учун ранж чекмасун**

б) нарса-буюм тушунчасини ифодалаган тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар: **Дунё ҳар нимаики ҳосил қилдим, сенинг олдингга қўйдим.**

Нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни эса мазмунан уч турга бўлиш мумкин:

а) шахс тушунчасини ифодалаган аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплар: *Ҳар кишиким ўзидин дод берса, доди мустағни бўлур.*

б) нарса-буюм тушунчасини ифодалаган аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплар: *эй фалони, ҳар нарсаки оламда бордур, сен унинг барчасин билурсан.*

д) белги тушунчасини ифодалаган аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплар: *...сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сен ҳақингда шундоқ иш қилур...*

“Қобуснома” таркибида нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган ҳол эргаш гапли кўшма гапларнинг икки тури учрайди:

а) даража-миқдор тушунчасини ифодалаган эргаш гапли кўшма гаплар: *Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур.*

б) пайт тушунчасини ифодалаган ҳол эргаш гапли кўшма гаплар: *Ҳар вақт меҳмонларинг уйингга оёқ қўйсалар, сен барча одамларинг билан уларнинг олдига чиқсил.*

“Қобуснома” таркибида нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гапларда бир неча эргаш гапнинг аралаш ҳолда ишлатилиши ҳам учраб туради. Масалан: *Ҳар нимани этишидинг – қилдинг, ҳар нимаиким қилдинг – анинг* фойдасини топдинг. 35-бет. Мазкур мураккаб кўшма гапнинг биринчи қисмини: *“ҳар нимаиким қилдинг – анинг* фойдасини топдинг” қаратқич мазмунини англатган аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплардир. Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим бўлади. Юқоридаги мисолда эргаш гапни бош гапга бирикиши ҳам ҳеч қандай воситасиз амалга оширилган. Бундан кўриниб турибдики, бадий нутқ услубида бундай бирикиш маълум даражада меъёрлашган.

Биз таҳлилга торган насрий асарлардан яна бири Тоғай Мурод қаламига мансуб “Отамдан қолган далалалар” романидир. Бу роман ҳажман “Қобуснома”дан анча катта бўлишига қарамай, ундан нисбий

олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар жуда кам фақат уч ўриндагина учрайди. *Кимки улоқни шу чуқургача олиб келиб ташласа, бир қўй, эллик сўм пул, бир тўн олади. 29-бет. Ким бўлса-да, отни билар экан. 63-бет. Ким қорнини тўйғизса бўлди, тиши-тиши дея бошини силаса бўлди, кетидан эргашиб кетаверади. 64-бет.* Бу ҳол нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар кўпроқ дидактик характердаги асарларда учрайди деган фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. “Қуръон” оятлари таржималарида ва “Ҳадис”ларда ҳам кўшма гапнинг бу тури кенг ишлатилади: *Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақласа, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир (“Қуръон” оятидан). Кимки ўзининг ёки бировларнинг етим болаларини то вояга етиб, мустақил ҳаёт кечирадиган бўлгунларича тарбия қилса, унга жаннат муқаррадир (Исмоил Бухорий).*

Бу фикрлардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, нисбий олмош ёрдамида ҳосил бўлган эргаш гапли кўшма гаплар дидактик характердаги фикрлар ифодасини беришда муҳим синтактик восита сифатида катта аҳамиятга эгадир. Буни биз қуйидаги гаплар мисолида ҳам кўришимиз мумкин: *Одамлар учун хотирада сақлаш қанчалик зарур бўлса, баъзан унутиши ҳам шунчалик зарур (Оз-оз ўрганиб доно бўлур). Дунёда ноҳақлик қанча камайса, тухмат барҳам еса, шунча яхши (Шухрат). Зулмат қанча қуюқ бўлса, юлдуз шунча равшан чарақлайди. (У.) эгрини тўғрилаш қанча қийин бўлса, тўғри кўнгилга эгри гапнинг сингиши ҳам шунчалик қийин бўларкан (Р.Азизхўжаева) Инсонга ҳаво нечоғлик зарур бўлса, халққа тинчлик, озодлик ва бахт-саодат ҳам шунчалик зарурдир (Ш.). Оилани қанчалик гуллаб-яшнатишига ҳаракат қилсанг, шунчалик гўзал боғ яратган бўласан (У.Абдуазизов).*

Маълумки, шеърий асарларда ҳам кўшма гап турларидан кенг фойдаланилади. Нисбий олмош ёрдамида ҳосил қилинган эргаш гапли кўшма гаплар бундан истисно эмас. Шеърий асарларда қўлланган бу типдаги гапларда эргаш гапни бош гапга бириктирувчи восита сифатида

хамма вақт ҳам феълнинг шарт майли шакли ишлатилавермайди. 1. Қаю эрда бўлса уқуш бирла ўг, Ани эр атагил неча ўгсанг, ўг (Юсуф Хос Ҳожиб). 2. Тан ичинда сизга ул жондин яқин, Ҳар не йўқ ондин яқин, ондин яқин... 3. Сен неким қилдинг, унутдим мен тамом... 4. Ҳар не маҳбуб айласа, марғуб эрур... 5. Ўйлаким ҳар кимса неким қилғуси, Баъзи ишта бор анинг бир белғуси... 6. Кишиким гаройибдин истар насиб, Нима топмоқ бўлғайму мундин гариб... 7. Фаройбқа ҳар кимки хоҳон эрур, Ҳам ўзинда мақсуди пинҳон эрур... 8. Не маъники истар, ўзинда топар... (Алишер Навоий). 9. Қачонки пишти лойим, висолдир муддаойим (Иқбол Мирзо).

Юқорида келтирилган мисоллардаги гаплардан иккинчи, учинчи ва тўққизинчиси боғловчи воситаларсиз бириккан бўлса, бешинчиси –*гуси* кўшимчали, олтинчиси ва саккизинчисиди –*ар* кўшимчали феъл шакллари, еттинчисиди эса *эрур* тўлиқсиз феъли бу вазифани бажарган. Кўриниб турибдики, тил ҳодисаларини муайян қоидалар доирасида чегаралаб бўлмайди. Ҳар бир ҳодиса муайян бир нутқ услуби доирасида ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади.

3.2. Расмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар

Расмий нутқ услубидаги матнлар муайян қолиплар асосида яратилиши туфайли унда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларни учратиш жуда мушкул иш. Иш қоғозлари матнларида қўшма гапнинг бу тури умуман қўлланмайди. Расмий нутқ услубида уларни фақат айрим қонун ҳужжатлари доирасидагина, шунда ҳам чекланган миқдорда учратиш мумкин. Қуйидаги гап ана шундай типга кирувчи синтактик бирликлардан биридир: *Вояга етмаган болалар эҳтиёжсини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, musiқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компесация берилади (Оила кодекси).* Мазкур синтактик бирлик учта гапдан ташкил топган бўлиб, унинг биринчи қисми иккинчи ва учинчи қисмлар эса ўзаро эргашиш йўли билан бириккан ва биз тадқиқ этаётган типдаги эргаш гапли қўшма гап кўринишида шаклланган. Лекин уни қўшма гап сифатида матндан ажратиб олиш мазмун ноаниқлигига олиб келади: *...эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компесациясиз берилади* каби. Демак, бу ўринда эргаш гапли қўшма гапни мураккаб турдаги қўшма гапнинг биринчи компонентидан ажратиб олиш мумкин эмас, улар бир-бирининг мазмунини тўлдириб мураккаб синтактик бутунликни ҳосил қилган. Унинг таркибидаги эргаш гапли қўшма гап шаклий тузилишига кўра *қайси-унга* нисбий сўзлари ёрдамида шаклланган тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап, мазмуний тузилишига кўра эса шахс маъносини ифодалаган.

Расмий услубдаги барча қўшма гаплар ҳам юқоридаги гап кўринишида бўлавермайди. Айрим ҳолларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар мустақил ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин. Қуйидаги гаплар бунга мисол бўла олади: *1. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши*

ҳам шундай шаклда амалга оширилади. 2. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади (Оила кодекси).

Юқорида келтирилган ҳар икки гап ҳам шаклий, ҳам мазмуний тузилишига кўра бир хил. Иккала гап ҳам аниқловчи эргаш гапли кўшма гапнинг белги-хусусият мазмуний турига мансуб. Уларнинг компонентлари одатдагидай эргаш гап – бош гап тарзида жойлашган ва эргаш гапларнинг кесимлари шарт майлидаги феъл шакли билан ифодаланган. Умуман расмий услубдаги матнларда бу ҳол қатъий меъёрлашган. Расмий услубдаги матнларда учрайдиган нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гапларнинг компонентлари баъзан илмий ва публицистик услубдаги гаплар сингари мураккаб кўринишдаги содда гаплардан тузилиши мумкин. Буни кўйидаги гап мисолида кўришимиз мумкин:

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонунда белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Баъзан расмий услубдаги матнларда ишлатилган нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли кўшма гаплар таркибида айрим киритмалар ҳам қўлланади. Масалан, *Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилганлиги, агар бола ёки унинг ота-онаси (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишдан олдин яшаб турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олдиндан олган бўлсагина, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб*

эътироф этилади. (Оила кодекси) гапининг иккинчи компоненти таркибида фикрни янада аниқроқ ифода этиш, айтилаётган фикрнинг қайси ҳолларда тан олишини изоҳлаш ниятида кириш гап (агар бола ёки унинг ота-онаси (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишидан олдин яшаб турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олдиндан олган бўлсагина) берилган. Бу ҳол яна юқорида таъкидлаганимиздек, расмий услубга хос матнларда фикрнинг тўлиқ ифодаланиши учун хизмат қилади. Демак, расмий услубдаги матнларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар таркибий тузилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Шунини таъкидлаш керакки, бундай матнларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий тузилишига кўра аниқловчи ва тўлдирувчи эргаш гап каби турлари ишлатилади. Кузатувларимиз жараёнида бошқа турдаги эргаш гаплар учрамади. Шунингдек, расмий услубдаги матнларда эргаш гапнинг бу тури чекланган миқдордагина ишлатилади.

3.3. Илмий нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар

Илмий нутқ ўзининг хулоса, таъриф ва қоидаларга бойлиги билан бошқа нутқ услубларидан ажралиб туради. Нутқнинг бу услубида асосан мураккаб кўринишдаги содда гаплар ва қўшма гаплар кенг ифода этилади. Қўшма гаплар орасида энг кўп қўлланадиган турларидан бири ҳол эргаш гапнинг шарт мазмунини англатувчи туридир. Лекин шуни биламизки, шарт мазмунига оид эргаш гапли қўшма гаплар орасида нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар учрамайди. Аммо бу илмий нутқ услубида нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар йўқ дегани эмас, бу услубда улар ҳам камроқ бўлсада, ишлатилади. Илмий нутқ услубидаги ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар бошқа услублардагидан ўзига хос айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Биринчидан, бу услубда гапнинг барча зарур бўлаклари ўз ўрнида келади, яъни тартиби ўзгартирилмайди ва ҳамма вақт ишлатилади. Чунки илмий услуб фикрнинг тўлиқ ва аниқлигини талаб қилади. Бу эса гапларда барча зарурий бўлаклар бўлишини тақозо этади. Қуйидаги гаплар мисолида буни кўришимиз мумкин:

1. Маълум синтактик бутунлик таркибида қанча предикат бўлса, у шунча предикат ифодадан иборат бўлади. 2. Такт ичида урғули сўзлар қанча бўлса, фонетик сўз ҳам шунча бўлади. 3. Абадий тил қонуниятини асосида тўғри ёзиш қанчалик муҳим бўлса, тўғри талаффуз қилиш ҳам шунчалик зарурдир. 4. Лугат таркиби қанча бой ва хилма-хил бўлса, тил шунчалик бой ва тараққий этган бўлади (Р.Икромова).

Кўриниб турибдики, юқоридаги барча гаплар грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган. Уларнинг бирортасида зарур гап бўлаклари туширилган ёки уларнинг бир-бири билан ўрин алмашган (позицион ўзгаришга учраган) ҳолатини кузатиш мумкин эмас. Иккинчидан, илмий нутқ услубида қўлланган нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли

қўшма гаплар қисмлар ўзаро ҳамма вақт феълнинг шарт майли шакли (-са) орқали бирикади:

1. Ҳикояда машҳур адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг йирик гапдаси қанчалар аниқ тасвирланган бўлса, унинг нозик табиатига хос жасурлик, покизалик, бироз ўжарлик ҳам шунчалар моддий акс эттирилган (Қ.Йўлдошев). 2. Лирик қаҳрамон – ошиқ қанча кўп азоб чекса, маъшуқа шунча кўп зулм қилишни ёқтиради. 3. Яқпора газалнинг матласида қайси масала кўтарилса, кейинги байтларда ҳам шу мавзу изчил ёритилмоғи шарт (Н.Жумахўжа).

Келтирилган мисллардаги барча гапларда эргаш гапнинг кесими шарт майлидаги феъл билан ифодаланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Учинчидан, илмий услубдаги матнларда нисбий сўзларнинг асосан қанча – шунча, қандай – шундай, қайси – ўша, қанчалик – шунчалик каби жуфтликлари нисбатан кўпроқ ишлатилади ва уларнинг эргаш гапда ҳам, бош гапда ҳам қўлланилиши билан характерланади. Чунки кузатувларимиз жараёнида илмий матнларда учраган бирорта бу типдаги қўшма гапнинг бош гапида нисбий сўз тушириб қолдирилиши ҳолатига дуч келинмади. Масалан:

1. Лекин бу асарни тарихий факт сифатида ўша замонда қандай ёзилган бўлса, шундай тақдим этмоқдаман (У.Норматов). 2. Сўзни шундай ёритадики, бу ёғду байт, газални ёп-ёруғ қилади (А.Расулов). 3. Шеър аҳли қанчалик бағри кенг бўлса, шундай инжа ва нафис (Ҳ.Болтабоев).

Юқорида келтирилган мисолларнинг биттасида бош гапдаги нисбий сўз шунча ўрнига мазмун талаби билан шундай сўзи ишлатилган. Чунки бу гапда миқдор-даража эмас, балки қиёслаш-чоғиштириш маъноси кучлироқдир. Тўртинчидан, илмий услубдаги матнлар таркибида келган нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар шаклий ва мамзуний тузилишига кўра қуйидаги гуруҳларга мансуб бўлади:

1. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап: *Шоирнинг қайси бир шеъри ёки достонини ўқимайлик, унда ижодкор ўз халқининг, миллатининг фидойи фарзанди сифатида бўй кўрсатади (Й.Солижонов).*

2. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап: *Қайси бўлак ҳақида ахборот берилиши лозим бўлса, шу бўлак олдин, у ҳақда ахборот берувчи қисм эса ундан кейин келтирилади. Ёпиқ жумлада қайси бўлак мантиқий урғу остида бўлса, шу бўлак рема, қолган бўлаklar тема қисм бўлади (А.Нурмонов).*

3. Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар: *Ҳолбуки, адабиётда фақат воситани кўришлик қанчалик хато бўлса, унда “соф санъат” нигина кўриши ҳам шунчалик хатодир. (Д.Қуронов). Бир байтнинг биринчи мисраси неча бўғим бўлса, иккинчи мисраси ҳам шунча бўғим бўладир (А.Фитрат). Ёзувчининг тафаккури қанчалик кенг бўлса, асарнинг кўлами, салмоғи “юки” шунчалик оғир бўлади (А.Холмуродов).*

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, илмий матнларда ҳавола бўлак ёрдамида ҳосил бўлган эргаш гапли қўшма гапларнинг иккита тури: аниқловчи ва ҳол эргаш гапли қўшма гаплардан кенг фойдаланилади. Аниқловчи эргаш гапларнинг ҳам асосан белги билдирувчи тури кенг ишлатилади: *Қайси бўлак эмфатик урғу олса, ўша бўлак иккинчи марта такрорланади (А.Нурматов), ҳол эргаш гапларнинг эса қиёслаш-чоғиштириш: Воқеликдаги ҳодисаларни улар ҳаётда қандай бўлса ўшандайлигича кўрсатишига интилиши етакчилик қилади (Д.Қуронов) ва даража-миқдор: Олиму мутафаккирлар олами кабирани қанчалик берилиб ўргансалар, тирик сайёра- ёнгинамиздаги одамни шунчалик берилиб ўрганмоқлари, унинг имкониятларидан фахрланишлари лозим. (А.Расулов) каби мазмуний турлари бошқаларига нисбатан жуда кенг ишлатилади. Бу нутқ услубида эга ва кесим эргаш гапли қўшма гап деярли учрамайди, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳам нисбатан кам ишлатилади. Бу ҳол илмий матнларнинг ўзига хос мазмуний тузилиши ва хулосаловчи фикрларга бойлигидан келиб чиқади.*

3.4. Публицистик нутқ услубида қўлланувчи ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар

Нутқнинг бу услубида ҳам қўшма гапларнинг деярли барча турларидан кенг фойдаланилад. Шу жумладан уларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар учраб туради. Энг аввало, публицистик услубга хос матнларда учрайдиган бундай гаплар турли хил мавзулардаги фикрларни ифодалайди. Улар орасида иқтисодий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, илмий, ижтимоий ва бошқа мавзудаги гаплар учраб туради. Бу типдаги гаплар ҳам ҳажман ва мазмунан анча кенглиги билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим бўлади. Масалан, кўйидаги гаплар ижтимоий сиёсий қарашларга хос бўлгани сабабли уларда кўчма маънолилик, қисқариш ёки позицион ўзгаришларга йўл қўйилмаган:

1. ... дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзга тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришига, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишига урунади (И.Каримов). 2. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришида, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришида шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. 3. Ота – боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепаён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиршига даъват этмоқда (И.Каримов).. 4. Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин (А.Иброҳимов). 5. Мустақилликка эришиши қанчалик машаққатли бўлса, уни сақлаш, ҳимоя қилиши ҳам шунчалик сермашаққат иш экан (Саъдулла Ҳаким).

Юқоридаги гапларга эътибор қаратсак, улар компонентларидаги нисбий сўзлар тўлиқ ишлатилганлигининг, эргаш гапнинг кесими шарт майлидаги феъл шакли билан ифодаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шаклий ва мазмуний тузилишига кўра улар тўлдирувчи, аниқловчи, хол эргаш гаплар турига мансуб бўлиб, шу гапларга хос нисбий сўзлар ёрдамида шаклланган.

Публицистик нутқ услубида учрайдиган бундай типдаги гаплар юқорида таъкидлаганимиздай ҳар хил мавзуларда бўлиши мумкин. Агар ижтимоий-сиёсий мавзудаги гаплар ҳажман анча кенг шаклга эга бўлса, айрим мавзудаги гапларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг бадиий услубга хос хусусиятларига эга турига ҳам дуч келишимиз мумкин. Уларда баъзан кўчма маънолик, баъзан қисқаликка интилиш натижасида бош гапдаги нисбий сўзни тушириш ҳоллари учраб туради. Масалан:

1. Ўшанда шеърни ўқиб қанчалар ҳаяжонланган бўлсам, бу сафар ҳам шунчалар ларзага тушдим (Ў.Ҳошимов). 2. Рақиб ҳужумчилари қанчалик тез ҳужумга ўтган бўлишса, жамоамиз ҳимоячилари шунчалик чаққон ҳаракатлар билан улар йўлини тўсишга муваффақ бўлишди (А.Сатторов). 3. Ким бош “қулоқ” бўлса, марра ўшаники. 4. Қаёққа қарасангиз, келбати кишини чўчитадиган алпқомат йигитлар гуж-гуж бўлиб бекор тургани-турган (Ш.Алланазаров). 5. Юртимдан қанча узоқлашсам, чет элларда Ўзбекистоннинг маданий мероси шу қадар улугворлик касб этиши, қадрланишининг гувоҳи бўламан (Р.Фарҳодий). 6. Ниманики астойдил ният қилиб интилсанг, шунга албатта эришасан (М.Тоиров). 7. Уста нимани қўлга олса, ўша ажойиб санъат асарига айланади. 8. Чоғроққина устахонанинг қайси томонига қараманг, санъат асарларининг энг гўзал намуналари кўзга ташланади (С.Аҳмадалиев).

Бу гапларнинг тўртинчи ва сакказинчисида бош гапдаги нисбий сўзлар туширилган. Учинчи гап эса кам учрайдиган ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган кесим эргаш гапли қўшма гап турига мансуб. Саккизинчи

гаптадаги эргаш гапнинг кесими ҳам одатдагидай шарт майли шаклидаги феъл билан эмас, балки буйруқ-истак майлининг биринчи шахс кўпликдаги бўлишсиз феъл шакли билан ифодаланган. Бу ҳол кўпинча ҳол эргаш гапли қўшма гапларнинг ўрин мазмунидаги турида кўп учрайди ва асосан оғзаки, бадий ҳамда публицистик нутқ услублари учун хос бўлган услубий меъёрлардан саналади. Хабар майлидаги, буйруқ-истак майлидаги феъл шакларининг шарт майли шакли ўрнида қўлланилиши, яъни майллар синонимияси ўзбек адабий тили учун меъерий ҳодисалардан бири эканлиги боис қўшма гапнинг бу турида учрайдиган ҳодисалар табиий ҳол сифатида қабул қилиш лозим бўлади. Бу ҳодиса нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гапи кесими фақат шарт майли шаклида бўлади деган фикрлар асоссиз эканлигини яна бир қарра исботлайди. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, публицистик нутқ усулубида нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилишига кўра турларининг деярли барчаси ишлатилади.

Боб бўйича қисқача хулоса

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижоди мақол, топишмоқ, латифа, лоф, аския, асотир (миф), афсона, ривоят, эртак, достон, қўшиқ каби бир қатор жанрларни ўз ичига олади. Бу жанрлардаги асарларда бошқа типдаги гаплар билан бирга нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган қўшма гаплардан ҳам муайян даражада фойдаланилади.

Асарда ишлатилган нисбий олмошлар ёрдамида шаклланган эга эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап одатдагидай бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган эганинг маъносини конкретлаштиради.

Шуни айтишимиз мумкинки, нисбий олмош ёрдамида ҳосил бўлган эргаш гапли қўшма гаплар дидактик характердаги фикрлар ифодасини беришда муҳим синтактик восита сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Демак, расмий услубдаги матнларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар таркибий тузилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Шуни таъкидлаш керакки, бундай матнларда нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий тузилишига кўра аниқловчи ва тўлдирувчи эргаш гап каби турлари ишлатилади. Кузатувларимиз жараёнида бошқа турдаги эргаш гаплар учрамади. Шунингдек, расмий услубдаги матнларда эргаш гапнинг бу тури чекланган миқдордагина ишлатилади.

Илмий нутқ услубидаги ҳавола бўлак ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар бошқа услублардагидан ўзига хос айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Биринчидан, бу услубда гапнинг барча зарур бўлаклари ўз ўрнида келади, яъни тартиби ўзгартирилмайди ва ҳамма вақт ишлатилади. Чунки илмий услуб фикрнинг тўлиқ ва аниқлигини талаб қилади. Бу эса гапларда барча зарурий бўлаклар бўлишини тақозо этади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, илмий матнларда ҳавола бўлак ёрдамида ҳосил бўлган эргаш гапли қўшма гапларнинг иккита тури: аниқловчи ва ҳол эргаш гапли қўшма гаплардан кенг

фойдаланилади. Аниқловчи эргаш гапларнинг ҳам асосан белги билдирувчи тури кенг ишлатилади.

Публицистик нутқ услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда бошқа нутқ услубларига хос элементлар ҳам учраб туришидир. Шунинг учун баъзан бир мисолни бу услубга ёки бошқасига тааллуқли деб олиш ҳам мумкин бўлади. Илмий-оммабоп мақолаларда учрайдиган гаплар шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Умумий хулоса

Мазкур иш эргаш гапли қўшма гапларнинг каттагина қисмини ташкил этган нисбий олмош ёрдамида шаклланган ҳавола бўлакли қўшма гапларни ўрганишга бағишланган. Юқорида келтирилган мисоллар ва илмий далиллар шуни кўрсатдики, бундай қўшма гап турлари шарт, тўсиқсиз ва сабаб мазмунини ифодаловчи ҳол эргаш гаплардан ташқари, барча қўшма гаплар доирасида учрайди. Ҳавола бўлакли эргаш гаплар юзасидан олиб борган кузатувларимиз ва таҳлиллардан қуйидаги умумий хулоса чиқариш мумкин:

1. Ҳавола бўлакли қўшма гаплар, энг аввало, нисбий олмошлар ёрдамида шаклланади ва, асосан, эргаш гапли қўшма гап шаклида намоён бўлади.

2. Эргаш гапли қўшма гаплар, уларнинг таснифи, айниқса, бундай қўшма гаплар таркибидаги компонентларни бириктирувчи воситалар хусусида қанча кўп илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганлигига қарамай, бу борадаги баҳс-мунозаралар бугунги кунда ҳам ўзбек тилшунослигининг энг долзарб муаммоларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар юзасидан муайян илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин шуни эътироф этиш керакки, мавжуд илмий-тадқиқот ишлари эргаш гапли қўшма гапнинг бу тури ҳақида тўлиқ ва узил-кесил хулосалар чиқариш имконини бермайди, яъни бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йўқ эмас.

3. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар тадқиқига бағишланган ишлардаги муаммоли жиҳатлардан бири шуки, юқорида кўриб чиққанemizдек, бу ишларда бир-бирига мос келмайдиган илмий хулосалар ва қарашлар мавжуд. Бу эса муаммонинг янда чигаллашишига олиб келади. Шунингдек, қарашлардаги бу ҳар хилликлар умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида,

мазкур қўшма гап турини ўқитиш ва ўргатиш ишларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мазкур мисол ва далиллар ёрдамида бу борадаги муаммоларни ҳал этишга доир фикр-мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтдик.

4. Ҳавола бўлакли эргаш гаплар юзасидан олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бундай эргаш гапли қўшма гап турларини ўзбек тилшунослигигнинг қўшма гап синтаксиси соҳасидаги кейинги йилларда эришилган ютуқлар ва янгича илмий қарашлар асосида тўла қайта кўриб чиқиш зарур. Нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши ва мазмуний тузилишига оид муаммолар ҳал этилиши лозим. Шунингдек, нисбий олмош ва нисбий сўз атамаларидан танлаш ва ишлатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мисоллар таҳлилидан маълум бўлишича, нисбий олмош ёрдамида шаклланган эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги компонентларни бириктиришда нисбий олмошлардан ташқари яна қандай грамматик воситалар ҳам ишлатиши мумкинлиги хусусидаги муаммо ҳам ўз ечимини кутмоқда.

5. Ҳавола бўлакли эргаш гапли қўшма гаплар услубий хосланиши масаласи бўйича олиб борган кузатишларимиздан маълум бўлдики, бу муаммо юзасидан ҳам алоҳида илмий тадқиқотлар олиб боориш мумкин, айниқса, оғзаки ва бадий нутқда қўлланувчи ҳавола бўлакли қўшма гаплар янада чуқурроқ илмий изланишларни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти. 2008 йил.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. – Т. Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т. Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т. Ўзбекистон, 2011
5. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият. 2008
6. Абдурахмонов Ғ. Боғловчисиз кўшма гаплар структураси.Т., 1964
7. Абдурахмонов Ғ. Кўшма гап синтаксиси. Т. 1964.
8. Асқарова М. Ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Т., 1966.
9. Бердиалиев А. „Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сингнификатив парадигматика“. Тошкент. „Фан“ нашриёти. 1989 йил.
10. Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўсиқсиз гаплар. Т., Фан, 1978.
11. Боровков А.К. Краткий очерк грамматики узбекского языка. М., 1959
12. Ғуломов А., Асқарова М. “Ҳозирги замон ўзбек тили” Тошкент.
13. Зикриллаев Ғ. Фейлнинг шахс, сон ва ҳурмат категориялари системаси. Т. 1978
14. Золотова Г. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М. Наука. 1959

15. Қиличев З. Ўзбек тилининг практик услубистикаси. Т. 1995.
16. Мамажонов А. Қўшма гап услубистикаси. Тошкент. 1990.
17. Мамажонов А. Маҳмудов У. Услубий воситалар. Фарғона. 1996
18. Мамедов С. Ўзбек шеваларида синтактик омония масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. №2.
19. Мараимов А. Синтаксисга кириш. Синтаксиснинг бошқа бўлимлар билан муносабати. Синтаксис бўлимлари. Тошкент. Маърузалар матни.
20. Матғозиев А. Ўзбек тилидаги баъзи эргаштирувчи боғловчиларнинг тарихига доир “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 1966-йил .3-сон.
21. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А, 9-синф учун дарслик. Тошкент “Тасвир” нашриёт уйи. 2006-йил.
22. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. „Ўқитувчи“ нашриёти. 1995 йил.
23. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов Ш, Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т, Фан. 1992
24. Миртожиев А. Ўзбек тилида полисемия. Т. 1973
25. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Жиззах 2007 йил.
26. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент. 1992 йил.
27. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил.
28. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент 1992 йил.
29. Нурмонов., Расулов Р Ўзбек тили жадвалларда. Т., Ўқитувчи. 1993.
30. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Тошкент, 1974

31. Розикова Г. Ўзбек тилида синтактик полисемя. НДА. Тошкент. 1998
32. Салькова Д. Некоторые вопросы омонимии и многозначности синтаксических конструкций. Т. 1973
33. Саримсаков Б., Халилов Т., Қурбонбоев Б. Ўзбек адабиёти. 5-синф учун дарслик—мажмуа. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1994 йил.
34. Содикова М. Феъл услубистикаси Т. 1995
35. Сўз сеҳри. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2006 йил.
36. Топишмоқлар. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1988 йил.
37. Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар дуривацияси. Самарқанд. 2008 йил.
38. Убаева Ф. Ҳол категорияси. Т. 1971
39. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Тошкент. „Фан“ нашриёти. 1976 йил.
40. Ўзбек тили грамматикаси. Т., Фан, 1975. 1,2-томлар.
41. Унсурмаолий Кайковус. “Қобуснома”. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1986 йил.
42. Усмонова Хуринисо. Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицияси тадқиқи. Тошкент 2005-йил.
43. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида форма ясалиши. Т. 1979
44. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., Ўқитувчи, 1979
45. Шендельс Е. Многозначность и синонимия в грамматике. М. 1946.
46. Мурат В.П. Об основных проблемах услубистики. М. 1957.
47. Ziyonet.uz
48. Eduportal.uz
49. Uzedu.uz
50. fdu.uz (Фарғона давлат университети)

51. kitob.uz

52. pedagog.uz